

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

Кўл ёзма ҳуқуқида

УДК:338.24:621.39(575.1)

Парпиева Малика Мухаммаджоновна

**“ЎЗТЕЛЕКОМ” АҚДА ИННОВАЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ САМАРАЛИ
ТАШКИЛ ЭТИШ ЙУЛЛАРИ**

5A350301 – АКТ соҳасида Иқтисодиёт ва менежмент

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИ С С Е Р Т А Ц И Я

Илмий раҳбар: и.ф.д., проф М.И.Алимардонов

Тошкент 2016

Мундарижа

КИРИШ	3
I боб. Корхоналарда инновацион фаолиятни самарали ташкил қилишнинг назарий асослари.	8
1.1. Корхоналарда инновацион фаолиятни ташкил қилишнинг мазмун-моҳияти.....	8
1.2. Корхоналарда инновацион технологиялардан фойдаланишнинг замонавий амалиёти	16
1.3. Йирик компаниялар бошқарувида инновацион технологияларидан фойдаланишнинг жаҳон тажрибаси	25
I. Боб бўйича хулоса.....	32
II боб. Ахборот-коммуникация соҳасида бошқарувнинг инновацион технологияларидан фойдаланишнинг асосий йўналишлари	34
2.1. “Ўзбектелеком” АКда инновацион самарадорликнинг асосий кўрсаткичларини қўллаш асосида қўллаб-қувватловчи бошқарув тизимини ишлаб чиқиш.....	34
2.2. Ўзбектелеком АКда инвестицияларни жалб этиш кўрсаткичлари ва уларнинг инновацион лойиҳаларни ривожлантириш таҳлили.	41
2.3. Ўзбектелеком АКда инвестицияларни жалб этиш орқали инновацияни ривожлантириш хусусиятлари.....	47
II боб бўйича хулоса	54
III боб. Ахборот-коммуникация соҳасида инновацион лойиҳаларни амалга оширишнинг истиқболлари	55
3.1. Ахборот-коммуникация соҳасида инновацион лойиҳаларни амалга оширишнинг самарадорлигини белгиловчи омиллар	55
3.2. Инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг “Ўзбектелеком” АК истиқболига таъсири.....	63
3.3. Инновацион фаолиятни ривожлантиришда “Ўзбектелеком” АКнинг истиқбол режалари.....	65
III боб бўйича хулосалар.....	70
ХУЛОСА	72
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	75

КИРИШ

Мавзусининг долзарблиги. Ташкилотлар ўртасидаги кескин рақобат уларни бозорда ривожланишнинг оқилона стратегияларини ишлаб чиқиш ва бизнесни бошқариш технологияларини такомиллаштириш, бу ерда инновацияларни жорий қилишга мажбур этмоқда. Барча ташкилотларнинг фаолият кўрсатиш шароитлари бугунги кунда шу қадар ўзгариб кетдики, эндиликда уларнинг меъёردа фаолият кўрсатиши ва рақобатбардошлигининг ягона йўли бошқарувнинг ички жараёнлари ва технологияларини бутунлай қайта қуриш, инновацион менежмент асосида инновацион ривожланиш бўлиб қолмоқда. Инновациялар ва инновацион фаолият компанияларнинг глобал бозордаги муваффақиятининг асосий омили, технологик устунлиқнинг зарурий шартига, рақобатли курашдаги асосий қуролга айланмоқда.

“Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, айти пайтда глобал иқтисодиётда компьютер ва телекоммуникация технологиялари, дастурий таъминот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва улар асосида кенг турдаги интерфаол хизматлар кўрсатишни ўз ичига олган ахборот-коммуникация технологиялари соҳасининг роли ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши мамлакатнинг рақобатдошлик даражасига таъсир кўрсатиши, катта ҳажмда ахборот тўплаш ва уни умумлаштириш имконини бериши, бошқаришни стратегик даражада ташкил этиш учун кенг имкониятлар очиб беришини унутмаслигимиз зарур. Шунини таъкидлаш лозимки, бугунги кунда жаҳон миқёсида яратилаётган ялпи ички маҳсулотнинг тахминан 5,5 фоизи ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига тўғри келмоқда.”¹

Иқтисодиётни инновацион ривожланиш йўлига буриш, бошқарувда илғор технологиялардан самарали фойдаланиш мамлакатимиздаги

¹И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида 2015 йил мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари 2016 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлаб ўтказилган мажлисдаги маърузасидан. 2016 йил январь.

корхоналарнинг мавқеини мустаҳкамлаш, дунё бозорида миллий иқтисодий-иқтисодий рақобатли устунлигини таъминлашга қодирдир.

Ҳозирги вақтда инновацион фаолликнинг ўсиши бошқарув соҳасидаги инновациялар жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожига учун муҳимлигига қарамадан асосан технологик инновациялар ҳисобига ўсмоқда.

Ахборот-коммуникация соҳасида бошқарувнинг инновацион технологияларини самарали жорий қилиш ва тарқатиш муаммолари ҳали етарлича ўрганилмаган. Ахборот-коммуникация соҳасини бошқаришнинг инновацион технологияларидан фойдаланишнинг жаҳон тажрибасини ва буни Ўзбекистон шароитларига мослаш имкониятларини ўрганишга кам эътибор қаратилмоқда. Мазкур муаммонинг назарий ва услубий жиҳатдан етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги танланган мавзунинг долзарблигини ҳамда диссертацион тадқиқотнинг асосий йўналишларини белгилаб берди.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқотнинг предмети Ахборот-коммуникация соҳасида бошқарувнинг инновацион технологияларидан фойдаланиш жараёнида вужудга келадиган бошқариш ва ижтимоий-иқтисодий муносабатлардир. Ахборот-коммуникация соҳаси тадқиқот объектидир.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Тадқиқотнинг мақсади Ахборот-коммуникация соҳасида бошқарувнинг инновацион технологияларидан фойдаланиш концепциясининг асосий қоидаларини тўлдириш ва ривожлантиришдан иборатдир.

Белгиланган мақсадларга эришиш учун қуйидаги вазифалар ҳал қилиниши лозим:

- бошқарув инновацион технологияларининг моҳиятини аниқлаш;
- Ахборот-коммуникация соҳасида бошқарувнинг инновацион технологияларидан фойдаланишнинг ўзига хосликларини аниқлаш;

- самарадорликнинг асосий кўрсаткичлари асосида Ахборот-коммуникация соҳасида инновациони қўллаб-қувватловчи бошқарув тизимини ишлаб чиқиш;
- маҳаллий шароитларга мослаш мумкин бўлган, хориждаги йирик компанияларда қўлланиладиган, бошқарувнинг асосий инновацион технологияларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги шундан иборатки, диссертацияда Ахборот-коммуникацияда бошқарувнинг инновацион технологияларидан фойдаланишнинг концептуал асослари тўлдирилган ва ривожлантирилган. Шунингдек, уларни қўллаш борасидаги қуйидаги тавсиялар келтирилган:

Мавжуд адабиётлар таҳлили асосида корхонага ўз стратегиясини самарали амалга ошириш, рақобатбардошликни кучайтириш бўйича бошқарувнинг асосий функцияларида (ташкилий тузилма, ходимларнинг малакасини ошириш ва қўллаб-қувватлаш ва ҳ.к.) янгиликларни киритишдан фойдаланган ҳолда корхонанинг яхлит тузилмасини бошқариш усуллари тушуниладиган бошқарувнинг инновацион технологиялари моҳияти аниқлаштирилган.

- Ахборот-коммуникация соҳасида бошқарувнинг инновацион технологияларидан фойдаланишнинг ўзига хосликларини аниқланди;
- Инновацион самарадорликнинг асосий кўрсаткичлари асосида Ахборот-коммуникация соҳасида инновациони қўллаб-қувватловчи бошқарув тизими ишлаб чиқилди;
- маҳаллий шароитларга мослаш мумкин бўлган, хориждаги йирик компанияларда қўлланиладиган, бошқарувнинг асосий инновацион технологияларини аниқланди.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Бошқарув бўйича мумтоз асарларда келтирилган фундаментал концепциялар ва фаразлар, бошқарувнинг инновацион технологияларидан фойдаланиш муаммолари бўйича хориждаги ва мамлакатимиздаги олимларнинг замонавий

тадқиқотлари тадқиқотнинг назарий ва услубий базаси бўлиб хизмат қилди. Диссертация иши мамлакатимиздаги ва хориждаги иқтисодчиларнинг ривожланган ҳамда ривожланаётган мамлакатларда, шу жумладан, Ўзбекистонда инновацион фаолиятнинг муаммоларига, инновацион ривожланишнинг шароитларига, бошқарувнинг инновацион технологияларини яратиш ва қўллашнинг шунингдек, ахборот технологиялари соҳасидаги инновацион фаолиятнинг ўзига хосликларига бағишланган ишларига таянган ҳолда яратилди.

Мазкур ишда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг асарларидан, шунингдек, расмий ҳужжатлардан, қонунчилик ҳужжатларидан бошқарувнинг инновацион технологияларини шакллантириш муаммоларига бағишланган илмий-амалий анжуманлар материалларидан фойдаланилди. Олинган назарий фаразлар ва хулосалар ўрганишнинг диалектик усулидан фойдаланишга, иқтисодий жараёнлар ва ҳодисаларни ўрганишга институционал ёндашувга, шунингдек, тарихий-мантиқий, тизимли-функционал умумилмий усулларга, қиёсий таҳлил, индукция ва дедукция усулларига, ахборотни йиғиш ва уларга ишлов беришнинг иқтисодий-статистик усулларига таянади.

Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили. Хориждаги иқтисодчиларнинг кўп сонли ишлари бошқарувнинг инновацион технологияларидан фойдаланиш масалаларига, иқтисодиётнинг барқарор ўсиш омили сифатидаги инновацион технологияларни тадқиқ қилишга бағишланган. Бундай иқтисодчилардан: Г.Бонд, Д.Дайн, В.Джевонс, П.Друкер, А.Клайкнехт, Х.Кларк, С.Кузнец, Г.Менш, М.Портер, Б.Твисс, Г.Хамел, Г.Чесбро, Й.Шмуклер, Й.Шумпетер ва бошқаларнинг ишларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Россиялик муаллифлардан А.В.Васильев, А.А.Дынкин, П.Н.Завлин, Н.И.Иванова, А.К.Казанцев, Г.Б.Клейнер, Н.Д.Кондратьев, Б.Н.Кузык,

Д.С.Львов, Л.Э.Миндели, К.И.Плетнев, А.И.Пригожин, Р.А.Фатхутдинов ва бошқалар инновациялар назариясини ишлаб чиқишга катта ҳисса қўшган.

Маҳаллий олимларимиздан М.Л.Турсунхўжаев, О.Ҳ.Ҳикматов, М.Ш.Шарифхўжаев, Л.И.Шибаршова, А.Н.Арипов, Х.А.Мухитдинов, Т.З.Тешабоев, К.Х.Абдурахмонов, Ш.Н.Зайнутдинов, О.Р.Парпиев, Д.Н.Раҳимова бошқаларнинг бошқарувнинг инновацион технологияларидан фойдаланиш, ходимларни бошқариш соҳасидаги янги ишланмалари шубҳасиз қимматга эга.

Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи.

Диссертацияда молиявий таҳлилнинг гуруҳлаш, таркибий, қиёсий, омилли таҳлил усуллари, эксперт баҳолаш ва молиявий коэффициентлар усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг амалий қиймати шундан иборатки, унда келтирилган натижалар Ахборот-коммуникация соҳасида бошқарувнинг инновацион технологияларидан фойдаланишнинг фирмалар, шу жумладан, турли хилдаги компаниялар раҳбарлари қўллаши учун яроқли бўлган аниқ тавсиялар даражасига етказилганлигидир.

Тадқиқотда олинган натижалар қуйидаги ўқув фанлари: “Инвестициялар ва инновациялар менежменти”, “Инновацион менежмент”, шунингдек, АКТ соҳасида иктисодиёт ва менежмент ва бошқарувнинг инновацион технологияларидан фойдаланишга бағишланган махсус курсларга киритилиши мумкин.

Диссертация таркибининг қисқача тавсифи. Диссертация ишининг таркибий қисми кириш, 3 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Ўбб. Корхоналарда инновацион фаолиятни самарали ташкил қилишнинг назарий асослари.

1.1. Корхоналарда инновацион фаолиятни ташкил қилишнинг мазмун-моҳияти

Инновациялар тўғрисидаги масалаларнинг вужудга келишини XIX асрнинг ўрталарида ишлаб чиқилад бошланган “Конъюктуранинг катта даври”га бағишланган олимларнинг илмий ишлари билан боғлаш мумкин. Бу назариянинг асослари Н. Кондратьев, И. Шумпетер томонидан яратилган. С. Кузнец, Г. Менш, А. Клайкнехт, Джакоб Ван Дайн, П. Сорокин сингари хорижлик варосиялик тадқиқотчиларнинг асарларида ривожлантирилган.

Айни вақтда тадқиқотчиларнинг эътибори ушбу ходисани топиш ҳолатига қаратилган эди. Инновация назариясини ишлаб чиқиш жараёнида иқтисодиётни ривожлантиришга ундовчи шароитларни таҳлил қилишга урғу берилди. Ушбу жараёнда илмий-техник тараққиётнинг натижаси – инновациялар шубҳасиз, катта роль ўйнади.

“Инновация” атамаси ва тушунчасининг ўзи австриялик иқтисодчи Й.Шумпетер 1912 йилда нашр қилинган “Теория экономического развития»: «Инновация - это акт изменения производственных функций...»² асарида келтирилган бўлиб, “Инновация – бу ишлаб чиқариш функцияларини ўзгартириш ҳаракатлари”, истеъмол маҳсулотларининг янги турларини, янги ишлаб чиқариш, транспорт воситалари, бозорлар ҳамда саноатни ташкил қилишнинг янгича кўринишларини жорий этиш ва улардан фойдаланиш мақсадидаги ўзгартиришдир.

Й.Шумпетер мантиқига кўра, даромаднинг асосий манбаи–янгиликларни узлуксиз жорий этиб боришдир-деб ҳисоблайди.

Й.Шумпетер фикрига кўра, инновациялар дейилганда янги маҳсулотларни жорий этиш ёки олдинги маҳсулотни сифат жиҳатдан такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни янги усулини жорий этиш, янги

²Shumpeter Yosef A. Business Cycles. Vol.1, 2. New York, 1939. P. 187.

бозорочиш, хом ашёнинг янги манбаини қўлга киритиш, ишлаб чиқаришни янгича ташкил қилишни амалга ошириш тушунилади.

Бугунги кунда инновациялар вужудга келишининг икки асосий шаклли-чизиқли ва интерфаол моделлар мавжудлиги тўғрисида сўз юритиш мумкин.

Чизиқли (анъанавий) моделда инновацияларнинг келиб чиқиши чизиқли жараён сифатида тушунилади. Бундай моделнинг бошланғич нуқтаси сифатида ихтиро яратиб берадиган тадқиқот юзага чиқади. Ихтиро инновация асосида қарор топади. Истеъмолчилар, таъминотчилар, рақобатчи корхоналар ҳамда давлат бундай моделнинг аҳамиятли иштирокчиларидир.

Замонавий иқтисодий адабиётларда инновация атамаси умумий кўринишда қуйидагича тарзда келтирилади:

“Инновация–бозорда сотиладиган маҳсулотнинг янги ёки такомиллашган кўринишини сотишга эришган, амалий фаолиятда қўлланиладиган янги ёки такомиллашган технологик жараён бўйича инновацион фаолиятнинг якуний натижасидир”³.

Инновацион фаолият бу – ниҳоясига етказилган илмий-тадқиқотлар ва ишланмаларнинг ёхуд бошқа илмий-техник ютуқларини бозорда сотиладиган янги ёки такомиллашган маҳсулотга айлантириш, амалий фаолиятда қўлланиладиган янги ёки такомиллашган технологик жараён натижаларини амалга оширишга йўналтирилган жараёндир.

Адабиётларни таҳлил қилиш жараёнида инновациялар дейилганда инновацион фаолиятнинг қуйидаги кўринишларда акс этган якуний натижаси тушунилади:

- бозорга киритилган янги ёки такомиллашган маҳсулот;
- амалий фаолиятда қўлланиладиган янги ёки такомиллашган технологик жараён;
- ижтимоий хизматларга янгича ёндашувлар.

³ Инновационный тип развития экономики России. Учеб.пособие. М.: Издательство РАГС, 2005.С 568

Инновация – бу бизнинг фикримизча, илмий фаолият маҳсули (маҳсулот ёки хизматлар) бўлиб, буларни қўллаш натижасида корхонада кескин ташкилий-иқтисодий ва ишлаб чиқариш-технологик ўзгаришларга олиб бориладиган туб ўзгаришлар юз беради.

Инновацион жараён – бу фундаментал ва амалий тадқиқотлар, конструктор ишланмалари, маркетинг ишлаб чиқариш, савдо-сотиқ босқичлари орқали ғояларни маҳсулотга изчил айлантириш жараёнидир.

Б.Н. Кузык ва Ю.В. Яковец инновацияни “у ёки бу соҳадаги фаолият самарадорлигини ошириш учун инсон ақл ютуқларидан (кашфиётлар, ихтиролар, илмий ва конструкторлик ишланмалари ва ҳ.к.лардан) фойдаланиш” сифатида белгилайдилар.⁴ Улар технологик, иқтисодий, экологик, бошқарув, ҳарбий, сиёсий, ижтимоий-маданий, давлат-ҳуқуқ ва ҳоказо инновацияларни фарқлашни таклиф этади. Бу олимлар инсоний фаолият турлари қанчалик турга эга бўлса, инновациялар олами шу қадар кўп қиёфали деб ҳисоблайдилар. Айнан шу олимлар қарама-қарши инновациялар тушунчасини яъни ўтмишга қайтишга мўлжалланган тушунчасини киритганлигини таъкидлаш лозим.⁵

Иқтисодиётга оид адабиётларда технологик инновацияларнинг кўплаб фарқлари келтирилган.

А.И. Пригожий⁶ инновация назариясига катта ҳисса қўшди. У иқтисодий, ташкилий-бошқарув, ижтимоий–бошқарув, ҳуқуқий ва педагогик янгиликларни ажратиб кўрсатган, янгиликлар турларини ишлаб чиқди, янгиликларнинг турларини тасвирлаб берди. П.Н. Завлин, А.К. Казанцев, Л.Э. Миндели⁷ асарларида ҳам инновацияларнинг батафсил таснифи ишлаб чиқилган.

Инновациялар (янгиликларни) анъанавий жиҳатдан янгилик-маҳсулотлар ва янгилик-жараёнларга ажратиш қабул қилинган. Кўпинча

⁴Кузык Б.К, Яковец Ю.В. Россия 2050. Стратегия инновационного прорыва-М.: Экономика, 2004.С.45.

⁵Кузык Б.К, Яковец Ю.В. Россия 2050. Стратегия инновационного прорыва-М.: Экономика, 2004. С. 37.

⁶Пригожий А.И. Нововведения: стимулы и препятствия - М.: Политиздат. 1989. С.13.

⁷ Основы инновационного менеджмента: теория и практика. Учеб. пособие/ Под ред. П. Н. Завлина, А.К. Казанцева, Л.Э. Миндели. М.: Экономика, 2000. С. 17-28.

инновацияларни технологик ва ташкилий инновацияларга ажратишади. Албатта, ташкилий инновациялар ишчи кучига таълим бериш, тайёрлаш ва ундан фойдаланишни кўзда тутди. Шунингдек, сўзнинг тор маъносидаги ишлаб чиқариш доирасидан ташқарида қарор топган институционал, ижтимоий янгиликлар ҳам мавжуд⁸.

Ўзининг техник-иқтисодий мазмунига кўра инновацияларкескин (принципиал, инқилобий) ватадрижий (изчил, модернизациялашган) бўлиши мумкин. Ушбу мезонлар мажмуи доимий тарзда янги мезонлар билан тўлдириб борилмоқда, улар ҳанузгача илмий адабиётда узил-кесил қарор топмаган. Масалан, М. Портер и Г. Бонд инновацияларни кўтарилиб боровчи (*upstream*) ва пастлаб боровчи (*downstream*) инновацияларга тақсимлашни тавсия этганлар. Буларнинг биринчиси илмий тадқиқотлар, иккинчиси эса тижоратлаштириш жараёнлари билан боғлиқ.

Янгиликларни тадрижий ва кескин янгиликларга бўлиш мумкин.

Тадрижий янгиликлар узлуксиз юз беради. Улар одатда, мақсадга йўналтирилга ҳолда ташкил этилган тадқиқотлар ва ишланмалар натижасида вужудга келади. Ишлаб чиқариш, савдо-сотик, истеъмол соҳасидан тушадиган ғоялар ва таклифлар кўпинча бундай инновацияларнинг манбаидир.

Техник иқтисодий параметрларни тадрижий кенгайтириш натижасидакескин янгиликларни амалга оширишнинг иложи йўқ. А.А.Дынкин: “Янгиликларнинг икки кўриниши ўзаро боғлиқлиги шунда намоён бўладики, аста-секин ривожланиш чоғидаги харажатларнинг фойдали самараси ўсишининг камайиб бориши мазкур кескин янгилик яхшиланишининг технологик имкониятлари ўз хотимасига қараб асимтотик яқинлаб бораётганлигидан дарак беради ва бу билан ёки янги маҳсулот

⁸ Porter Michael E., Bond Gregory C. Innovative Capacity and Prosperity: the Next Competitiveness Challenge//The Global Competitiveness Report. 1999. P.62.

платформасидан фойдаланиш, ёхуд янги инқилобий ёриб ўтиш зарурлигидан дарак беради”.⁹ деб ҳисоблайди.

Кескин янгиликлар табиатини ҳамда уларнинг яратиш механизмларини таърифлаган ҳолда А.А.Дынкин уларнинг пайдо бўлиши бозор эҳтиёжларига ўта кам ҳолда боғлиқдир, чунки ишлаб чиқариш кучлари ривожланишида пайдо бўладиган эҳтиёжлар табиат ва жамиятни илмий-ўрганишнинг ривожланиши мантиқидан мутлақо мустақил эканлигини таъкидлайди. Олим бундай инновацияларнинг келиб чиқишини энг аввало фан, илмий кашфиётлар, илмий парадигмаларнинг ўзгариши сифатида кўриб чиқади. “Инновация” атамасининг бошқа айрим таърифларини ҳам кўриб чиқамиз.

Д.М. Гвишиани и В.И. Громека инновация тушунчасида “техник кашфиётни, у иқтисодий самара берадиган амалий фойдаланиш босқичига етказиш, ёхуд ушбу жараённинг якуний натижаси, яъни тижоратда фойдаланиш босқичига етказилган янгиликларни жорий этиш натижасида вужудга келган маҳсулот ёки товарлардан фойдаланиш жараёнини” кўрадилар.¹⁰ Иқтисод фанлари доктори Р.А.Фатхутдинов инновацияни янгиликларни жорий этиш йўли билан бошқарув объектини самарали ўзгартириш бўйича у ёки бу соҳадаги интеллектуал, илмий-техник ёки бошқача фаолият натижаси сифатида таърифлайди. Р.А.Фатхутдинов янгиликлар кашфиёт, ихтиро, патент, рационализаторлик таклифи, янги ёки такомиллашган маҳсулот, технологиялар, бошқарув ёхуд ишлаб чиқариш жараёни, ташкилий, ишлаб чиқариш ёхуд бошқа тузилма, ноу-хау, тушунчалар, илмий ёндашувлар ёки тамойиллар, ҳужжатлар (стандартлар, услубиятлар, кўрсатмалар, тавсиялар ва ҳ.к.), маркетинг тадқиқотлари натижалари ва ҳ.к.лар кўринишида шакллантирилиши мумкин, деб ҳисоблайди.¹¹

⁹Дынкин А.А. Инновационная экономика - М.: Наука, 2004. С. 18-19.

¹⁰ Цит. по: Дагаев А.А. Фактор НТП в современной рыночной экономике- М.: Наука, 1994. С. 21.

¹¹Фатхутдинов Р.А. Стратегический менеджмент: Учеб. 6-е изд., испр. и доп - М.: Дело, 2004. С. 413.

Бинобарин, биринчи гуруҳга “инновация” дейилганда, энг аввало, янги маҳсулот яратилиш жараёнини тушунувчи олимлар (Б. Санто, Р.Д. Ковалев, Я. Кук, П. Майерс, Б. Твисс, А.Б. Титов, М. Додгсон, П.Н. Завлин, А.К. Казанцев, Л.Э. Миндели, Д. Месси, П. Квинтас, Д. Уилд, Л.М. Гохберг) киради. Масалан, профессор А.Б.Титов “инновация илмий ғоя амалий кўлланиш босқичига етказиладиган ҳамда иқтисодий самара беришни бошлайдиган жараённи англатади, тижорат босқичига етказилган ҳамда бозорда эътироф этилган мазкур жараённинг натижаси эса янгиликдир”¹² деб ҳисоблайди.

Иккинчи гуруҳга “инновация” сўзининг маъносида илмий-тадқиқот, тажриба конструкторлик ишларининг устуворлиги тўғрисидаги ёндошувни кўлловчи олимлар (Э.А. Уткин, В.Г. Медынский, В. Ильдеменов, И.Н. Молчанов, Г.Я. Гольдштейн ва бошқалар) мансубдир. Г.Я.Гольдштейн фикрига кўра, инновацияни “тадқиқотлар ва ишланмалар соҳаси натижаларидан фойдаланиладиган техник-иқтисодий даврийлик сифатида тушуниш мумкин. Булар бевосита техник ва иқтисодий ўзгаришларга олиб келади. Бу ўзгаришлар мазкур соҳа фаолиятига тескари таъсир кўрсатади”¹³.

Учинчи гуруҳда “инновацияни” ғояларни ўзгартириш жараёни сифатида талқин қилиш тамойили бўйича бирлашган олимлар (Харттланн, Хауш-тайн, Ф.Ф. Безтудный, Г.А. Смирнова, О.Д. Нечаева), шунингдек, инновацияни “кашфиёт ёки ғоя иқтисодий мазмун касб этадиган жараён” сифатида тушунувчи Б.Твист бирлашган.¹⁴

Тўртинчи гуруҳ (энг аввало, Й.Шумпетер) ишлаб-чиқариш функцияларини ўзгартиришга эътибор қаратади. О.В. Краюшкин, Т. Валента инновацияни “ишлаб чиқариш организмнинг бошланғич тузилмасидаги

¹²Титов А.Б. Организационные методы управления нововведениями. СПб., 1998. С. 31.

¹³Гольдштейн Г.Я. Стратегический инновационный менеджмент — системный фактор глобальной конкуренции // Труды конференции «Системный анализ в проектировании и управлении». СПбГТУ, 2001. С. 45

¹⁴Инновационный менеджмент. Учеб. / Под ред. С.Д. Ильенковой. М.: Юнити, 1997.

ўзгариш, яъни ички тузилманинг ҳам ижобий, ҳам салбий оқибатлари билан биргаликда ўзгаришларнинг янги ҳолатига ўтишидир”¹⁵.

Шундай қилиб, инновацияларнинг моҳияти инсоний фаолиятнинг жараёнларини, усуллари ва объектларини такомиллаштириш учун билимларни қўллашдан иборат эканлиги борасидаги хулосага келиш мумкин.

Шу тарзда, инновациялар бу нафақат янги маҳсулотлар эмас, шу жумладан ҳам янги бозорлар, янги технологиялардан, шу жумладан бошқарув технологияларидан фойдаланиш, яъни миллатнинг ижодий салоҳиятини ҳаракатга келтирадиган барча нарсалардир. Инновациялар хўжалик маданияти издан чиқишига йўл қўймайди. Кўпинча инновацияларни ихтиролар ва кашфиётларга қиёслашади. Ихтиро – бу қандайдир янги ҳодиса ёки таъминоти кашф қилиш, янги механизм ёки қурилмани яратишдир. Инновация эса – бу, энг аввало, яратилган кашфиёт ёки ихтирони тижорат мақсадида қўллаш, янги бозорларга чиқишдир.

Инновацион фаолият моҳиятига кўра келажакдада фирманинг ишлаб чиқариш фаолиятига асос бўладиган янги маҳсулотлар ва хизматларни яратиш ва жорий этиш, янги саноат технологияларини, шу жумладан бошқарув технологияларини ишлаб чиқиш ва қўллаш тартиботидан иборатдир, янги яратилган буюмлардан (маҳсулотлар) тижорат мақсадида фойдаланиш эса келажакдаги даромадларни таъминлайди ва компаниянинг рақобатбардош мавқеини шакллантиради.

Шундай қилиб, бизнинг фикримизча, бошқарувнинг инновацион технологиялари – бу компанияга ўз стратегиясини самарали амалга ошириш учун бошқарувнинг асосий функциялари соҳасида (ташкилий тузилма, ходимларни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш ва ҳ.к.) янгиликлардан фойдаланган ҳолда компаниянинг яхлит тузилмасини бошқариш усуллари.

¹⁵ Valente T. Network Models of the Diffusion of Innovation. Cresskill, NJ: Hampton Press, 1995.

Таҳлил жараёнида биз йирик компанияларда бошқарувнинг инновацион технологияларидан асосан кўрсатма тарзида қўлланишдан иборат бўлган (бунда бошқарув инновациялари “юқоридан қуйига” тарқатилади, компаниянинг олий менежменти эса уларни тарқатиш ташаббускори бўлиб чиқади) ўзига хосликларини аниқладик. Айнан шундай тартиб бошқарувнинг инновацион технологиялари жорий этилиши режадорлигини келтириб чиқаради.

Йирик компанияларда бошқарув инновациялари мақсадга йўналтирилган ҳолда, режа асосида жорий қилинади. Компания менежменти томонидан режали ва мақсадга йўналтирилган ҳолда жорий этилса бошқарув инновацияларининг иқтисодий самарадорлиги технологик инновациялар самарадорлигидан устун бўлиши мумкин. Ўзбекистонда бозор шароитида тармоқлар бошқарув тизими, хусусан, саноат корхоналарига инвестициялар киритиш, инновацион жараёнлардаги муаммоларни ўрганиш юзасидан билдирилган энг муҳим таклифлар бўйича Алимов Н.Р.¹⁶ Абдуллаев Ё.А. Вахобов А.В. Зайнутдинов Ш.Н. Обломуродов Н.Н.¹⁷ Рахимова Д.Н. Ходиев Б.Ю. кабилар тадқиқотларини мисол келтириш мумкин.

Инновациялар бўйича адабиётлар таҳлили ушбу тушунчасининг икки асосий талқини: иқтисодий ва ижтимоий талқини мавжудлигини ажратиб кўрсатишга имкон берди.

Иқтисодий талқин янги маҳсулот, янги технологиялар яратилишини назарда тутди. Янги маҳсулотни ишлаб чиқариш учун инвестициялар ўзингиз жамғарган маблағ зарур бўлади. Етакчи иқтисодчиларнинг фикрига кўра, инвестициялар инновацияларнинг самарасини оширади, инвестициялар туфайли инновациялар жадалроқ ва муваффақиятлироқ амалга оширилади. Инновацияларни инвестициялар билан қўшиб олиб бориш маҳсулотлар,

16 Алимов Н.Р. Ўзбекистон Республикаси инвестиция бозорида тижорат банкларининг роли. иқт.фан.ном.илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс.автореф. - Т. 2004.

17 Обломуродов Н.Н. Тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг назарий асослари ва устувор йўналишлари. -Т. Фан ва технология, 2009 108б.

хизматлар рақобатбардошлигини оширади, хўжалик алоқаларининг ўзгаришига олиб келади. Хўжалик алоқаларининг ўзгариши бошқарув жараёнларига, иқтисодий алоқаларнинг шаклланишига таъсир кўрсатади.

Ижтимоий талқин янгиликларнинг жамиятга, ташкилотга, жамоага жорий этилиши жараёнларига эътибор қаратилади. Бу ерда можароларни кўриб чиқиш, манфаатларни мувофиқлаштиришга ёрдам беради. Ушбу талқинга мувофиқ инновация билимларни ишлаб чиқариш, иқтисодий, ижтимоий бошқарув технологияларига айлантиришдан иборатдир.

1.2. Корхоналарда инновацион технологиялардан фойдаланишнинг замонавий амалиёти

Корхоналарда бошқарувнинг инновацион технологиялари инновацион иқтисодиётнинг ажралмас қисмидир. Ўзбекистонда 1992 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси ташкил этилган.

Фундаментал ва амалий тадқиқотлар Давлат илмий-техника дастурлари асосида шакллантирилган. Базавий молиялаштириш механизми қўлланилган. 1997 йилдан бошлаб қисман танловли илмий-техника дастурлари шакллантирилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Илмий-техника тараққиётини Мувофиқлаштириш кенгаши ташкил этилган. Фан ва технологиялар маркази, йирик илмий ва инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш кенгаши, тадқиқотларни танловлар натижаларига кўра грантлар асосида молиялаштириш тизими жорий этилган. Инновация илмий-техника фаолиятини молиялаштириш жамғармаси ташкил этилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси (ФТРМҚ) ташкил этилди. Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш, Қишлоқ ва сув хўжалиги, Халқ таълими вазирликлари мустақил Давлат илмий-техника дастурларини шакллантирадилар. ФТРМҚ дастурларни такрорлашлар ва аввал бажарилган тадқиқотларнинг йўқлиги

нуқтаи назаридан мувофиқлаштиради. Ўзбекистонда демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш, энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлик, Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш, Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси, Тиббиёт ва фармакология, Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар. Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом-ашёни қайта ишлаш) каби устувор йўналишлар белгиланган.

Ҳозирги вақтда кўпгина давлатлар тажрибаси мисол учун Россия ҳукумати хўжалик субъектларида илмий, илмий-техник ҳамда инновацион фаолиятни рағбатлантириш, уларнинг илмий салоҳиятини фан, техника ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича бирлаштиришга юксак илмий-техник салоҳиятга эга бўлган фан шаҳарлари мақомига эга маҳаллий тузилмаларни ривожлантириш, шунингдек, жадал илмий-техник ва инновацион ривожланиш хусусиятига эга маъмурий, ҳудудий тузилмаларни яратиш доирасида фан ва технологияларни давлат томонидан йўлга солинишини такомиллаштириш йўлини тутди. Гап махсус илмий технологик ҳудудлар ёки махсус иқтисодий ҳудудларни (МИХ) яратиш тўғрисида бормоқда.

Махсус иқтисодий ҳудуд – бу Ҳукумат қарори билан белгиланадиган Россия Федерациясининг давлат ва божхонанинг бир қисми бўлиб, бу ерда солиққа тортиш, божхона бошқаруви ҳамда назоратчи органлар фаолиятига тегишли тадбиркорлик фаолияти учун алоҳида тартиб белгиланади. Жаҳон амалиётида МИХнинг қуйидаги тўрт тури ажратиб кўрсатилади:

- 1) асосан ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар (Нидерландия, Латвия, Италия)нинг йирик транспорт бўғинларида жойлашган эркин савдо ҳудудлари;

- 2) ишлаб чиқариш ёки саноат-ишлаб чиқариш ҳудудлари (Жанубий Корея, Бразилия, Мексикада мавжуд);
- 3) техник-жорий этиш ҳудудлари (технополислар, технопарклар – Япония, АҚШ, Ғарбий Европа, Ҳиндистон, Жанубий-Шарқий Осиёда мавжуд);
- 4) хизмат кўрсатиш ҳудудлари ёки хизматлар ҳудудлари (Ғарбий Европада Жанубий-Шарқий Осиёда, Кипрда, Кариб хавзаси мамлакатларида мавжуд).

Жаҳондаги МИҲларнинг умумий сони 1200га яқин бўлиб, улардан 400 таси эркин тижорат ҳудудлари, 300 таси саноат-ишлаб чиқариш ҳудудлари, 400 таси техник жорий этиш ҳамда 100 таси хизмат кўрсатиш ҳудудларидир.

Шу аснода келтирилган тасниф ўта шартли эканлигини, чунки кўплаб МИҲлараралаш турдаги (хусусан, бу эркин тижорат ҳудудлари ва саноат ҳудудларига тегишлидир) эканлигини таъкидлаш жоиздир.

Жаҳонда жами 1200 та МИҲ мавжуд бўлиб, уларга эркин тижорат ҳудудлари, саноат-ишлаб чиқариш ҳудудлари, техник-жорий этиш ҳудудлари, хизмат кўрсатиш ҳудудлари киради.

Кўпгина экспертларни фикрича, ушбу ҳудудларни шакллантиришдан мақсад эркин тижорат ҳудудлари асосан ташқи савдо фаолиятини рағбатлантириш, ҳамда давлат ҳудудидан ташқарида турувчи ҳудудлар қисмидан иборатдир. Бу шу ҳудуд доирасига олиб кирилган маҳсулотга ушбу маҳсулот ҳудуд доирасидан ташқарида-мамлакат ёки экспортнинг божхона ҳудудига жойлаштирига тайёр бўлгунга қадар унга божхона қонунчилиги таъсир кўрсатмайди. Кириш божлари ҳамда ҚҚС (ҚҚС мавжуд бўлган ҳудудларда) маҳсулот қайта ишлашга олиб кирилаётганда эмас, балки тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилиб, у сотилгандан сўнггина тўланади. Кўпгина мамлакатларда, хусусан, ривожланаётган мамлакатларда бундай ҳудудларда жойлашган компаниялар турли солиқ имтиёзларига ҳам эга бўладилар.

Америка Қўшма Штатлари мисолида келтирилган қуйидаги маълумотлар мазкур механизмнинг муваффақиятли эканлигидан далолат бермоқда:

- ҳозирги вақтда АҚШда ушбу турдаги 253 та ҳудуд мавжуд. 1992 йилда ташқи савдо ҳудудлари деб аталмиш ҳудудга олиб кирилган ва қайта ишланган маҳсулотларнинг умумий қиймати 93,8 млрд. долларга етди. 1990 йилларнинг охирига келиб эса ҳудудга ҳар йили олиб кириладиган маҳсулотларнинг умумий қиймати 130-150 млрд. долларни ташкил этди;

- ташқи савдо ҳудуд орқали мамлакат импортининг 2%и ва экспортининг 1,5%и ўтмоқда.

- ташқи савдо ҳудудларида маҳаллий ва хорижий хом ашёлардан тайёр маҳсулотни ишлаб чиқарувчи корхоналар ривожланмоқда. Шу аснода АҚШда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар олиб кирилган маҳсулотлар умумий ҳажмидан 75%ини ташкил этмоқда. Яъни бу ҳудудлар мамлакат иқтисодиётига чуқур бирлаштирилгандир. Ҳудудлардан асосий фойдаланувчилар автомобиль йиғиш бўйича заводлар бўлиб, ҳудудларда амалга ошириладиган ишлар ҳажмининг деярли 2/3 қисмини шу заводлар улушига тўғри келади.

1. Саноат ёки саноат-ишлаб чиқариш ҳудудлари мамлакатнинг ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун ташкил этилади. Кўпинча бундай ҳудудлар импорт ўрнини босиш, экспортни орттириш, ёки депрессив ҳудудларда кичик ва хусусий бизнесни жонлантиришга мўлжалланади. Бундай ҳудудларда ўз ишлаб чиқаришни жойлаштирган компаниялар учун турли-туман солиқ имтиёзлари берилади ҳамда маъмурий тартиботлар соддалаштирилади. Масалан, Жанубий Кореяда бундай компанияларга қуйидаги турли имтиёзлар берилган:

- хом ашёга, шунингдек, импорт қилинадиган ускуналарни солиқлардан озод қилиш;

- 10 млн. АҚШ доллари киритган хорижий компаниялар 3 йилдан 7 йил муддатга ёки ҳудуд турига қараб биринчи даромад олингунига қадар корпоратив солиқдан озод қилинади. Сўнгра, 50% миқдордаги чегирмага эга бўладилар. Маҳаллий солиқларга нисбатан ҳам айнан шундай имтиёзлар мавжуд;

- 50 йил давомида ижара тўловидан озодлик ҳамда айнан шу шароитларда навбатдаги 50 йил учун ижарани узайтириш ҳуқуқи;

- Ижтимоий инфраструктурани (тиббий таъминот, турар жой, таълим объектлари) яратиш учун ёрдам кўрсатиш.

2004 йил ҳолатига кўра, Жанубий Кореяда турли кўринишдаги 17 та махсус иқтисодий ҳудудлар мавжуд эди. Хусусан, хорижий инвестицияларнинг 7 ҳудуди 1,6 млн.кв.метр майдонни эгаллаган. Ушбу ҳудудга киритилган инвестициялар қиймати 8,48 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Буюк Британияда узоқ вақт давомида иқтисодий фаоллик анча заифлашган ҳудудларда иқтисодий фаолиятни рағбатлантиришга йўналтирилган 30 та ҳудуд мавжуд. Дастлаб шакллантирилган 22 ҳудуд таҳлили бу ҳудудлардаги объектларнинг хусусий сармояларнинг 2 млрд. фунт.стерлингдан кўпроғи киритилганлигини ва 60 мингта қўшимча ишчи ўринлари яратилганлигини кўрсатди.

2. Техник-жорий қилиш ҳудудлари ёки технопарклар юксак технологиялар соҳасида илм талаб қилинадиган ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш учун яратилади. Одатда булар истиқболли технологик янгиликлар ва ғояларни тижоратлаштириш билан машғул бўлган компанияларга имтиёзли шароитларда ижарага берилган идора ва ишлаб чиқариш бинолари ҳамда илмий лабораторияларнинг ҳудудда жамланган мажмуидан иборатдир. Бундай технопаркларда ҳам ишлаб чиқарувчи ҳам ижтимоий юқори сифатли инфратузилма шакллантирилгандир. Ҳудудларнинг ихтисослашувига боғлиқ ҳолда бундай инфратузилмага кенг имкониятли интернетга кириш ҳамда

марказлаштирилган илмий ишлаб чиқариш лабораториялари ва ходимлар учун турар жой, дам олиш инфратузилмалари ҳам киради. Бундай ҳудудларда жойлашган компанияларга (гарчи кўпгина мамлакатларда амалга оширилмасда) турли солиқ имтиёзлари ва ихтироларни технологик экспертизадан ўтказиш, интеллектуал мулк ҳимояси кўринишидаги ёрдам ҳам берилиши мумкин.

Ҳиндистонда қўлланиладиган ёндашув ҳам алоҳида қизиқиш уйғотади. 1990 йилда бу ерда “Дастурий таъминотни ишлаб чиқиш учун технопарк” (*Software Technology Parks*) деб аталмиш ана шундай учта парк яратилган эди. Ҳозирги кунда уларнинг сони 20дан ошди. Кейинроқ электроника ишлаб чиқариш ва биотехнологияларни ривожлантириш учун алоҳида ҳудудлар ҳам ташкил қилинди.

Технопарклар соҳасидаги давлат сиёсати қуйидагиларга асосланган бирлашган концепциядан иборат:

- кўплаб бошқа мамлакатлар мисолида технопарклар концепцияси, яъни етакчи таълим ва илмий муассасаларга бевосита яқин жойларда сифатли инфратузилмани тақдим этиш;

- экспорга мўлжалланган махсус иқтисодий ҳудудлар механизми доирасида компанияларга турли солиқ ва бож имтиёзларини тақдим этиш бўлди.

Ҳиндистон ҳукумати шу аснода қуйидаги ҳаракатларни амалга оширди:

- юқори сифатли инфратузилмани, хусусан, маълумотлар узатиш тармоғини шакллантирди;

- рухсат бериш тартиботлари, шу жумладан, импорт ва экспорга сертификация бериш соҳасида “ягона дарча” тамойили бўйича давлат органлари ишини ташкил этди;

- технопаркларда жойлашган компанияларга турли солиқ ва бож имтиёзларини тақдим этди;

- маркетинг ва PR тадбирлар ўтказиш йўли билан IT хизматлар экспортига ёрдамлашди.

Саноати ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда МИХларни яратиш тажрибаси бир-биридан буткул фарқ қилишини таъкидлаш жоиз.

Ривожланаётган мамлакатларда ҳал қилинишида МИХлар ёрдам бериши мўлжалланган асосий вазифалар – бу саноатлаштиришнинг янада юксак даражасига эришиш, халқаро савдода мамлакат ролини ошириш (ёки унга кириш)дир. Мазкур ҳолатда жалб қилинадиган сармоянинг асосий ёки ягона манбаи хорижий инвестициялардир.

Ривожланган мамлакатларда МИХлардан асосан ҳудудий сиёсат воситаси сифатида фойдаланилади, яъни МИХлар иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш даражасини кўтариш зарур бўлган ҳудудлардагина барпо этилади. Шу аснода МИХларни яратиш учун ҳудудларни танлашдаги мезон сифатида ишсизлик даражаси ва аҳолининг пул даромадлари қабул қилинади.

Махсус иқтисодий шароитлар тақдим этиладиган ҳудудлар сони доимо чеклангандир. Саноати ривожланган мамлакатларда МИХларнинг асосий хусусияти айрим ҳудудларнинг иқтисодий ривожланишига тўртки беришга уриниш билан боғлиқлиги боис уларнинг ҳаракатлантирувчи кучи хорижий инвестициялар эмас, балки миллий хусусий сармоя, давлат дотациялари ва давлат кредитларидир. Бизнинг мамлакатимизда махсус саноат-иқтисодий ҳудудлар яратишдан асосий мақсадлар қуйидагилардан иборат:

- мақбул инвестицион иқлим;
- фан талаб қилувчи тармоқларни ривожлантириш воситасида иқтисодиёт диверсификация қилиш, ҳудудларни ривожлантириш;
- рақобатнинг мамлакатлараро шароитларини тенглаштириш;
- иқтисодиётнинг янги тармоқларини ривожлантириш.

Ушбу дастурни амалга ошириш учун Ўзбекистонда муайян қадамлар белгиланди. Масалан, 2008 йили Навоий вилоятида иқтисодий саноат ҳудуди

барпо этилган эди. Бу ЭИХ икки турга бўлинади. Мазкур ҳудуд саноат ишлаб чиқариш зонасига киради.

ЭИХда саноат ишлаб чиқариш:

- мавжудлик муддати 20 йилдан кўп эмас;
- ишлаб чиқаришга мўлжалланган объектларни жойлаштириш;
- сармоя қўйиш—10 млн. евродан кам эмас (биринчи йилда 1 млн.евродан кам бўлмаслиги лозим).

Мазкур ҳудуд яратилиши натижасида саноат ва хизмат кўрсатишнинг юксак технологик тармоқлари ривожлана бошлади, шунингдек ҳудудларнинг ривожланиши жадаллашди.

Ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг мақсади танланган устувор вазифаларасосида мамлакатни ривожлантиришнинг инновацион йўлига ўтишдир. Фан ва технологияни ривожлантириш Ўзбекистондаги олий устуворлик сифатида белгиланган.

Бунга эришиш учун қуйидаги асосий вазифалар белгиланган:

- мамлакатдаги ишлаб чиқаришда инновацияларга эҳтиёжни ошириш учун ташкилий ва иқтисодий механизмларни яратиш, фундаментал фанлар, энг муҳим амалий тадқиқотлар ва ишланмаларнинг илғорривожланишини таъминлаш;
- илмий, илмий-техник ва инновацион фаолиятнинг меъёрий-ҳуқуқий фаолиятини такомиллаштириш; илмий-техник мажмуани бозор иқтисодиёти шароитларига мослаштириш, фан, техника ва технологияларни ривожлантириш мақсадларида давлат ва хусусий сармоя ўзаро ҳаракатини таъминлаш;
- фан-техника ва технологияларнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чоғида илмий, илмий-техник ва инновацион фаолиятини бевосита ва билвосита рағбатлантириш чора-тадбирларида давлат бошқаруви ва бозор механизмларини оқилона қўшиб олиб бориш;

- фан ва технологиялар соҳасида илмий ҳамда олий малакали кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш;
- фан, техника ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқишда мазкур соҳадаги жаҳон тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда илмий тадқиқотлар ва тажриба ишланмаларин қўллаб-қувватлаш .

Фан ва техникани ривожлантиришнинг энг муҳим вазифалари жумласига: миллий инновацион тизимни шакллантириш; илмий ва илмий-техник фаолият натижаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, илмий-техник мажмуанинг кадрлар салоҳиятини сақлаб қолиш варивожлантириш ҳам киради. Шу аснода кадрлар салоҳиятини сақлаб қолиш варивожлантиришнинг зарурий шарти олимлар ва малакали кадрларнинг меҳнати обрўсини кўтаришдир.

Илмий кадрларни тайёрлаш ва сақлаб қолиш, таълим жараёнида илмий-экспрементал базадан фойдаланиш, олий таълим муассасаларида илмий тадқиқотларни ўтказиш мақсадида фан ва таълимни бирлаштириш ўта долзарбдир. Илмий, илмий-техник ва инновацион соҳаларда ўзаро манфаатли, тенг ҳуқуқли асосларда ҳалқаро ҳамкорликни ривожлантириш ҳам муҳимдир.

Илмий, илмий-техник ва инновацион фаолиятнинг устувор соҳаларида давлат томонидан рағбатлантиришнинг асосий чора-тадбирлари шакллантирилмоқда. Бундай рағбатлантиришнинг асосий йўналишлари: молиявий соҳа, илмий кадрларни сақлаб қолиш ва тайёрлаш, фан ва юксак технологияларнинг давлат сектори тузилмаларини такомиллаштириш, фаннинг моддий техник базасини мустаҳкамлаш, давлат мулкидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, шунингдек, илмий ва илмий-техник фаолият натижаларидан самарали фойдаланишдир.

1.3.Йирик компаниялар бошқарувида инновацион технологияларидан фойдаланишнинг жаҳон тажрибаси

Кириб келган ХХІ асрда бизни янада қудратли техник ёриб ўтишлар ва эҳтимол янги технологик инқилоб кутмоқда. Жамият тараққиёти доимо энергиянинг янги-янги манбаларини ўзлаштириш (буғ машиналарнинг ихтиро қилиниши саноат ишлаб чиқариши даври бошланганлигини англатган бўлса, электрлаштириш саноатлаштиришнинг сифат жиҳатидан янги шаклларига ўтишга имкон берди) билан бирга кечувчи технологик новациялар йўлидан борган.

ХХ юз йилликнинг иккинчи ярмидан бошлаб электроника, ҳисоблаш техникаси, телекоммуникациялар, радиолокация, оптоэлектроника, лазер техникаси билан боғлиқ янада юксак даражадаги технологиялар ривожлана бошлади. Ахборот ва ахборот технологияларимустақил технологик йўналишларга айланди. Номоддий маҳсулотнинг мунтазам ўсиб бораётган бозори “янги иқтисодиётнинг”, билимлар иқтисодиётининг пайдо бўлаётганлиги борасида сўз юритишга мажбур қилди.

Иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар мисолида дунёда иқтисодиётнинг таркибий қисмини ривожлантириш учун шу жумладан йирик компанияларни бошқаришда ҳам қўлланилаётган инновацияларни ривожлантириш борасида етарлича тажриба тўпланганлигини кўришимиз мумкин. Сўнгги ўн йилликлар тарихи бизнинг эътиборимизни иқтисоддаги таназзулни бартараф этишда бошқарувнинг инновацион технологиялари қудратли восита эканлигига қаратмоқда. Буларнинг барчаси йирик компанияларнинг иқтисодий тизимида тузилмавий қайта қуришларга имкон беради ҳамда турли туман рақобатбардош маҳсулотлар билан бозорни тўлдиришга имкон яратади.

Дунёвий тажрибани (АҚШ, Япония, ЕИ) таҳлил қилиш йирик хорижий компанияларда қўлланилаётган, Россия шароитларига мослаштирилса фойдали бўладиган бошқарувнинг асосий инновацион технологияларини

аниқлашга имкон берди.

Жаҳон иқтисодиёти тизимида юзага келган вазият ва ундаги мамлакатимиз мавқеини ҳисобга олган ҳолдаривожланган мамлакатларнинг йирик компаниялари тажрибасини ҳамда уларнинг ютуқларини мамлакатимиз иқтисоди шароитларида қўллаш учун ҳолис кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Гап бу ерда шунчаки ўйламасдан, кўр-кўрона нусха кўчириш ёки тақлид қилиш ҳақида кетаётгани йўқ. Бундай қадамлар оқибати нима бўлишини тарих бир неча бор намоиш этган.


Илмий техник тараққиёт соҳасида дунёдаги етакчиларидан бири Америка Қўшма Штатларидир. АҚШ инновацион тизимининг фарқли жиҳати—унинг улкан кўламидир. XX асрнинг энг катта ютуқлари ҳисобланган ядро энергияси, компьютерлаштиришлар қаторида АҚШ инновацион тизими ҳам тилга олингани бежиз эмас. Кўплаб кўзга кўринган экспертлар буни ўтган юз йилликда инсониятнинг энг катта ютуғи деб ҳисобламоқдалар. АҚШ Миллий академияси вакили Чарльз Уэсснер 2005 йилнинг июлида Москвада юксак технологиялар бўйичароссия-америка кенгашининг биринчи сессиясида қилган “АҚШ инновация тизими-афсоналар ва воқелик” маърузасида Силикон водийсининг сири – немис сармояси, русчаақл, британча менеджментда эканлигини изоҳлаб берган эди. Олим солиқ тизимининг шаффофлиги ва олдиндан айтиш мумкинлигини назарда тутган ҳолда буни “америкача иқтисодиёт асоси ” деб атайтиди.

Шунингдек, XX асрнинг иккинчи ярмида АҚШ учун юзага келган мақбул шароитларни ҳам назардан қочириш мумкин эмас, илмий техник тараққиёт соҳасида АҚШ етакчилигини таъминлаб турган омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин

- ҳалқаро институтлар тизимидаги етакчи мақом;
- америкача сиёсий тизим барқарорлиги ва мустахкамлиги;
- иқтисодий ўсиш ва илмий-техник тараққиётнинг самарали механизми ҳамда ижтимоий табиотнинг кенг ривожланган тизими;

-мувозанатлашган ҳарбий қудрат.

АҚШ инновацион тизимини ташкил этувчи субъектлар қуйидаги схемада келтирилган (1.3.1.-расмга қаранг):



1.3.1-расм. АҚШ миллий инновацион тизимининг субъектлари.

- Тизимнинг асосий субъектлари
- университетлар (билимлар яратади),
- давлат (билимларни молиялаштиради ва яратади),
- компаниялардир (билимларни маблағлаштиради, яратади, тижоратлаштиради).
- Инновацияларнинг яна бир муҳим субъекти – венчур жамғармалар, яъни хусусий компаниялар(*private equity*) сармоясига инвестиция кўринишида венчур сармоя тақдим этадиган компаниялардир.

Венчур сармояни қўллаб – қувватлаш давлат инновацион сиёсатининг муҳим унсуридир. АҚШда ўтказилган тадқиқотлар ўсишнинг энг юқори суръатини таъминловчи 4% компаниялар барча янги иш ўринларининг 70% ини таъминлашини кўрсатмоқда. Кичик ва ўрта инновацион корхоналар ҳам юқори солиқ йиғимлари ва экспортдан келадиган даромадларни таъминлаган ҳолда иқтисодиётга инвестициялар кириб келиши ўсишига имкон яратмоқда.

АҚШдаги мазкур тизимнинг бош субъектларидан бири университетлардир. Университетларда инновацион тизимларнинг федерал қўллаб –қувватланиши жуда сезиларлидир, чунки айнан шу ерда стратегик ва технологик тадқиқотларнинг катта қисми олиб борилади, уларнинг салоҳияти хусусий корпоратив лабораториялар ва саноат корхоналари, АҚШдаги ва бутун жаҳондан келувчи талабалар учун жозибадордир.

Умуман, АҚШдаги миллий инновацион тизимни, шунингдек, унинг айрим компаниялари ва тармоқларини муваффақиятли ривожлантиришнинг асосий шарти оқилона илмий-техник ҳамда инвестицион сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишдир. Қўшма Штатлар дунё хўжалигида бутун иқтисодиёт бўйича янги технологияларнинг жадал тарқалишини қўллаб-қувватловчи иқтисодий муассасалар мажмуи билан биргаликда янгиликларни қудратини бирлаштирувчи энг технологик ҳаракатчан иқтисодиёт сифатида фаолият кўрсатмоқда. Янгиликларни яратиш ва тарқатиш муассасаларнинг мураккаб йиғиндисига боғлиқ бўлган машаққатли иқтисодий жараёндир. Қўшма Штатлар технологик янгиликларнинг юксак даражасини сақлаб туриш учун ҳам ижтимоий, ҳам хусусий секторларда муассасаларнинг бой мажмуини ярата олди.

Ривожланган мамлакатлар ўртасида венчур сармоя бозори ҳажми бўйича АҚШ шубҳасиз етакчига айланди. Ушбу бозорнинг жадал ўсиши бу мамлакатда 1970-йиллардан бошлаб XXІ асрнинг бошларига қадар давом этди. “Катта тўртлик”нинг энг йирик аудиторлик компанияси "Pricewaterhouse Coopers" маълумотларига кўра, умуман, венчур сармоя инвестицияси 1995 йилдаги 7,6 млрд долл.дан 2001 йилда 41,3 млрд.долл.га ортди.

АҚШнинг акси сифатида Япониядаги илмий-техник тараққиёт 1960-70 йилларда асосан, “тақлидий” хусусиятга эга бўлган. Япония – бошқа мамлакатлар илмий-техник тараққиётнинг самарадорлиги ҳамда миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги ўзаро алоқаларини тан олишни

эътироф этишидан анча олдин фан талаб қиладиган технологиялар ва ишлаб чиқаришга эътибор қаратган мамлакатдир.

Япониянинг инновацион инфратузилмасини кўриб чиқамиз. Давлат илмий-техник сиёсатини белгилашгаасосан, тўртта муассаса: Бош вазир хузуридаги Фан ва техника кенгаши, Фан ва техника бўйича бошқарма, Маориф вазирлиги ва Ташқи савдо ва саноат вазирлиги (ТССВ) масъулдир.¹⁸

1) Фан ва техника бўйича кенгаш давлат илмий техник сиёсатини ишлаб чиқариш ваамалга ошириш масалалари бўйича шуғулланувчи олий давлат органидир. Бош вазир учун мўлжалланган маърузалар ва тавсияларни вақти-вақти билан тайёрлаш Кенгашнинг вазифасига киради. Ушбу ҳужжатлар, одатда, мамлакат илмий-техник тараққиёти муаммоларини ёритади ва очиб беради.

2) Фан ва техника бўйича бошқарма инновацион тизимлар тенденцияларини ўрганиш, илмий фаолиятни режалаштириш ва ҳоказолар билан боғлиқ тайёргарлик ишларини фан ва техника кенгаши учун амалга оширади. Мазкур бошқармаасосий йўналишлар бўйича фундаментал тадқиқотларгараҳбарлик қилади. Фан ва техника тараққиётининг узоқ муддатли башоратларини тайёрлаш шу бошқарманинг вазифасига киради (масалан, 1961 йили Бошқарма тадқиқотларни ривожлантириш Япон корпорациясини ташкил этди. Фан талаб қиладиган янги фирмаларни қўллаб-қувватлаш вазифаси мазкур корпорацияга юкланди).

3) Миллий университетлар фаолиятига ҳамда уларга мансуб бўлган илмий-тадқиқот институтларигараҳбарлик қилиш Маориф вазирлигига юклатилгандир.

4) Ташқи савдо ва саноат вазирлиги Япония инновацион фаолиятидаўта муҳим ўринни эгаллаган. Унинг асосий вазифаси инновацияларнинг дунё бозорида энг катта талабга эга бўлган илғор

¹⁸Поцхверня А.Б. Государственная инновационная политика Японии / Сб. трудов «Инновационная политика развивающихся капиталистических стран»-Москва, 1990. Вып. №3. ВНИИСИ, С. 35.

технологияларни ривожлантиришни рағбатлантиришдан иборатдир. Вазирлик илмий-техник ва иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади. Япон давлат ҳокимиятининг айнан шу органи япон саноатининг бутун инновацион фаоллигига жиддий таъсир кўрсатади.

Ҳозирги вақтдаги яъни XX1 асрда давлатнинг инновацион стратегиясини ubiquitous (инглизчадан сўзма-сўз таржимаси – барча ерда мавжуд) жамиятга интилиш сифатида шакллантириш мумкин. Ubiquitous жамияти– японча маънода – инсон учун тушунарли ва унга мўлжалланган инновацион технологияларнинг жадал ривожланиши ва жорий қилиниши натижасидир.

Шу аснода, давлат сиёсати инновацион технологиялар ҳамда инновацион тизимга (келажакдаги рақобатбардошлик мақсадида) инвестицияларга қўйиладиган солиқни камайтиришда кўмаклашишдан иборатдир. Давлатдаги мазкур солиқ сиёсматини натижасида йирик компанияларда инновацион технологиялар ва инновацион тизимга инвестицияларнинг ортиши кузатишмоқда.

Йўл хариталари режадаги ҳар бир асосий ечимнинг тарихини кузатишга имкон беради. Бир неча маҳсулот йўналишлари учун бундай хариталар тадқиқотлар ва ишланмаларнинг ягона дастурини ёхуд технологиялар ва ноу-хауларни сотиб олишни ўз ичига олган технологик эҳтиёжларни умумий тасвирини кўришга имкон беради. Асосий технологияларни ишлаб чиқиш ёки уларни сотиб олиш ўртасидаги танлов энг яқин вақт ечимидир, бироқ узок муддатли оқибатларга эга. Режалаштиришнинг бошқа корпоратив ҳужжатларига таққослаганда, йўл хариталарининг фарқли жиҳати стратегик мақсад ва вазифаларга эришишда итерацион-адаптив бошқарувни кўзда тутувчи вақт ҳамдарежаларни батафсил ўзаро боғлиқ ҳолда деталлаштиришни ҳисобга олишдан иборатдир.

Йўл хариталари турли корпорацияларда режаларни сезиларли даражада такомиллаштириш, беқиёс маҳсулотларнинг маълумотлар базасини яратиш, уларни, шунингдек, кўплаб маҳсулотларда қўлланилиши мумкин бўлган

технологияларни ривожлантиришга имкон беради. Йўл хариталари корпорацияларга мижозлар билан яқинлашишга ёрдамлашган ҳолда истеъмолчи ва таъминотчи ўртасида мулоқот ўрнатишга хизмат қилади. Ва ниҳоят, йўл хариталари асосланган бошқарув қарорларини қабул қилиш учун бутун портфель бўйича изчил ахборотни таъминлайди.

Шундай қилиб, инновациялар компанияларнинг келажакдаги ривожини белгилаб бериши ҳамда ишлаб чиқариш, маркетинг, фирмани бошқаришдан сизиларли ўзгаришларни кўзда тутишини ишонч билан таъкидлаш мумкин. Компаниялар инновациялардан энг кенг маънода ҳам янги технологиялардан, ҳам ишлашнинг янги усулларида фойдаланган ҳолда, рақобат бардошликка эришишнинг янги усулларини ўзлаштирган ёки эски усулларида фойдаланган тарздарақобатли курашнинг энг яхши усулларида топган ҳолда фойдаланмоқда.

Инновациялар бошқарувнинг янги технологияларида, маҳсулотнинг янги шаклида, ишлаб чиқаришнинг янгича жараёнида, маркетингга янгича ёндашувда ёки ходимлар малакасини оширишнинг янгича усулларида намоён бўлиши мумкин. Аксарият ҳолларда улар кўпинча ягона, йирик технологик ёриб ўтишга эмас, балки арзимаган яхшиланишлар ва ютуқларни жамлашга асосланган содда ва кескин бўлмаган ҳодисалардир.

I.Боб бўйича хулоса

«Корхоналарда инновацион фаолиятни самарали ташкил қилишнинг назарий асослари» деб номланган ушбу бобда корхоналарда инновацион жараёнларнинг ривожланиши ва унга таъсир этувчи омилларнинг назарий жихатлари таҳлил қилинган. Бобда асосан Инновациялар тўғрисидаги масалаларнинг вужудга келишини XIX асрнинг ўрталарида ишлаб чиқиладиганлиги, буларни қўллаш натижасида корхонада кескин ташкилий-иқтисодий ва ишлаб чиқариш-технологик ўзгаришларга олиб бориладиган туб ўзгаришлар юз берган.

Ҳозирги вақтда кўпгина давлатлар тажрибаси мисол учун Россия ҳукумати хўжалик субъектларида илмий, илмий-техник ҳамда инновацион фаолиятни рағбатлантириш, уларнинг илмий салоҳиятини фан, техника ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича бирлаштиришга юксак илмий-техник салоҳиятга эга бўлган фан шаҳарлари мақомига эга маҳаллий тузилмаларни ривожлантириш, шунингдек, жадал илмий-техник ва инновацион ривожланиш хусусиятига эга маъмурий, ҳудудий тузилмаларни яратиш доирасида фан ва технологияларни давлат томонидан йўлга солинишини такомиллаштириш йўлини тутди.

Жаҳон амалиётида МИХнинг қуйидаги тўрт тури ажратиб кўрсатилади:

- асосан ривожланган варивожланаётган мамлакатлар(Нидерландия, Латвия, Италия)нинг йирик транспорт бўғинларида жойлашган эркин савдо ҳудудлари;
- ишлаб чиқариш ёки саноат-ишлаб чиқариш ҳудудлари (Жанубий Корея, Бразилия, Мексикада мавжуд);
- таҳник-зорий этиш ҳудудлари (технополислар, технопарклар – Япония, АҚШ, Ғарбий Европа, Ҳиндистон, Жанубий-Шарқий Осиёда мавжуд);

- хизмат кўрсатиш ҳудудлари ёки хизматлар ҳудудлари (Ғарбий Европада Жанубий-Шарқий Осиёда, Кипрда, Кариб хавзаси мамлакатларида мавжуд).

XX юз йилликнинг иккинчи ярмидан бошлаб электроника, ҳисоблаш техникаси, телекоммуникациялар, радиолокация, оптоэлектроника, лазер техникаси билан боғлиқ янада юксак даражадаги технологиялар ривожлана бошлади. Ахборот ва ахборот технологиялари мустақил технологик йўналишларга айланди. Номоддий маҳсулотнинг мунтазам ўсиб бораётган бозори “янги иқтисодиётнинг”, билимлар иқтисодиётининг пайдо бўлаётганлиги борасида сўз юритишга мажбур қилди. Жаҳон иқтисодиёти тизимида юзага келган вазият ва ундаги мамлакатимиз мамқиени ҳисобга олган ҳолдари вожланган мамлакатларнинг йирик компаниялари тажрибасини ҳамда уларнинг ютуқларини мамлакатимиз иқтисоди шароитларида қўллаш учун холис кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Гап бу ерда шунчаки ўйламасдан, кўр-кўрона нусха кўчириш ёки тақлид қилиш ҳақида кетаётгани йўқ. Бундай қадамлар оқибати нима бўлишини тарих бир неча бор намойиш этган. Инновациялар компанияларнинг келажакдаги ривожини белгилаб бериши ҳамда ишлаб чиқариш, маркетинг, фирмани бошқаришданча сезиларли ўзгаришларни кўзда тутишини ишонч билан таъкидлаш мумкин. Компаниялар инновациялардан энг кенг маънода ҳам янги технологиялардан, ҳам ишлашнинг янги усулларида фойдаланган ҳолда, рақобатбардошликка эришишнинг янги усулларида ўзлаштирган ёки эски усулларида фойдаланган тарздар ақобатли курашнинг энг яхши усулларида топган ҳолда фойдаланмоқда.

II боб. Ахборот-коммуникация соҳасида бошқарувнинг инновацион технологияларидан фойдаланишнинг асосий йўналишлари

2.1. “Ўзбектелеком” АКда инновацион самарадорликнинг асосий кўрсаткичларини қўллаш асосида қўллаб-қувватловчи бошқарув тизимини ишлаб чиқиш

Ахборот-коммуникация соҳасида бошқарувнинг инновацион технологияларидан фойдаланишнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб бу ходимларни рағбатлантириш тизими ҳисобланади ва у белгиланган чораклик ва йиллик асосий кўрсаткичлари бажарилиши асосида шакллантирилади.

Мазкур кўрсаткичлар бизнес самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари (Key Performance Indicator — (KPI) номини олган ҳамда дастлаб Balanced Scorecard ёки ўзбек тилига—“Баланслашган кўрсаткичлар тизими” (БКТ) услубиятида бошқариш куроли сифатида қўллаб келинган (адабиётларда учрайдиган— “Система взаимосвязанных показателей” номи ҳам мавжуд).¹⁹

Бугунги кунда ҳар қандай компания глобал рақобат ва тезкор бизнес-муҳит шароитларидаги атроф-муҳит ўзгаришларига самарали жавоб қайтара олиш учун оқилона ташкил этилган бизнес-жараёнларга мухтождир. Бунинг учун мақсадга йўналтирилган ҳаракатни таъминловчи қандайдир ягона пойдевор — компаниянинг стратегик мақсадлари мавжуд бўлиши зарур. Амалда жараёнли ёндашувни таъминлаш учун стратегик мақсадларга эришиш, шунингдек, ходимларнинг изчил ҳаракатлари ҳисобига стратегияларни амалга оширишга қодир бўлган стратегик мақсадларга эришиш учун самарали бошқарув механизмини яратиш зарур.

Ҳозирги вақтда бошқарув қарорларини қабул қилиш учун фаолиятнинг бевосита молиявий кўрсаткичларидан фойдаланиш

¹⁹ Колесников С.Н. Инструментарий бизнеса: современные методологии управления предприятием.-М.: Издательско-консультационная компания «Статус-Квот 97», 2001. С. 262

компаниялар раҳбарлари орасида оммалашиб бормокда. Аммо булар ёрдамида келажакни олдиндан айтишнинг имкони йўқ. Улар аксарият ҳолларда ўтмишга таянади ҳамда стратегик қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган ўта кам назорат ахборотга эга. Фақат молиявий муваффақиятсизликларнинг (талабнинг камлиги, жараёнларнинг номукаммаллиги ва ҳоказолар) сабабларини кўриб чиқиш ҳолатидагина аввал бошданок стратегик мақсадларга эришишга таъсир кўрсатувчи ташвишли чекланишларни аниқлаш мумкин. Ҳозирги шароитларда давлат ва хусусий корхоналар меҳнатни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришнинг замонавий шаклларисиз бозор муносабатларида ривожланиш ва муваффақиятга эришиб бўлмаслигини англаб етдилар.

Аммо қўллаб-қувватлашнинг мумтоз назарияларини мослаштиришга уринишлар тизимга солинмаган. Улар қўллаб-қувватлаш усулларида амалий фойдаланишни қийинлаштириб юборади.

Дастлаб менежментни қўллаб-қувватлаш тушунчасини кўриб чиқамиз. Бу жараён физиологик ёки психологик етишмовчилик ёки эҳтиёждан бошланади. У хатти-ҳаракатни фаоллаштиради ёки муайян мақсад ёхуд мукофотга эришишга йўналтирилган турткини вужудга келтиради.

Эҳтиёж, йўқотиш ёки жудо бўлишни ҳис қилиш қандайдир муҳим нарсанинг етишмаслигида ифодаланади. Тақчиллик физиологик (овқат, ичимлик), ижтимоий (мулоқот доираси) ёки психологик (ўз-ўзини ҳурмат) кўринишида бўлиши мумкин.

Қўллаб-қувватлаш жараёни қондирилмаган эҳтиёжларни аниқлаш ёки баҳолашни; эҳтиёжларни қондиришга йўналтирилган мақсадларни шакллантиришни; эҳтиёжларни қондириш учун зарур бўлган ҳар хил ҳаракатларни белгилашни ўз ичига олади.

Шунингдек, Маслоунинг эҳтиёжлар назарияси, Альдерфернинг мавжудлик, алоқа ва ўсиш назарияси; Макклелланднинг қўлга киритилган

эхтиёжлар назарияси; Герцбергнинг икки омил назарияси ва бошқалар қўллаб-қувватлашнинг энг машхур назарияларидир.

Маслоунинг эхтиёжлар назарияси (А.Маслоунинг пирамидаси қўллаб-қувватлашнинг энг машхур назарияларидан биридир. Бундан ташқари хорижлик олим Герцбергнинг ҳам назарияси мавжуд бўлиб, у қўллаб-қувватлаш омилларини “меҳнат шароитлари омиллари” ва “рағбатлантирувчи омиллар” деб аталмиш иккита катта туркумга бўлган.

Илғор стратегик бошқарув механизмларига эхтиёж сифатида Balanced Scorecard услубияти пайдо бўлди.

Balanced Scorecard концепциясининг вужудга келиши 1990 йилга мансуб бўлиб, ўшанда бутун жаҳонга машхур KPMG Peat Marwick аудиторлик консалтинг компаниясининг Norlan Norton Institute тадқиқот маркази бошқарув самарадорлигининг мезонлари ва ўсишини таъминловчи имкониятлар ва воситаларни излашга киришган эди.

СБЖ ёндашувнинг моҳияти шундан иборатки, компания фаолиятини асосли баҳолаш учун фақат унинг молиявий кўрсаткичларини назардан ўтказиш етарли бўлмайди.

СБЖ доираларида компания бир неча йўналишларда баҳоланиши лозим:

- Молиявий аҳвол (умумқабул қилинган кўрсаткичлар);
- Компаниянинг бозордаги мавқеи (мижозлар сони, бозор улуши ва ҳоказолар);
- Ички бизнес жараёнлар (улар қанчалик шакллантирилган ва самарали);
- Ходимларни ривожлантириш ва ўқитиш²⁰.

СБЖ ёндашув нуқтаи назаридан стратегик бошқарув жараёни икки босқичдан иборат.

²⁰ Данилин Олег. Принципы разработки ключевых показателей эффективности (КПЭ) для промышленных предприятий и практика их применения // Управление Компанией. – М., 2003. – №2 (21). – С65.

Биринчи босқичда стратегик таҳлиласосида йиғилган ахборотга таянган ҳолда компания стратегияси ишлаб чиқиши лозим. Таҳлилдан мақсад компания ривождаги тенденциялар, имкониятлар ватаваккалчиликларни аниқлаш ҳамда баҳолаш, шунингдек, корпоратив билимларни жамлашдир. Индивидуал стратегияни белгилаш билан бу босқич ниҳоясига етади.

Иккинчи босқичда компания ўз стратегиясини амалга оширишни бошлайди. Келгусида бу стратегияни майда стратегияларга (масалан, бизнеснинг муайян соҳасига йўналтирилган майда стратегияларга) бўлиш мумкин. Бу майда стратегиялар стратегик мақсадларнинг манбаи бўлиб хизмат қилади.

Ҳар бир ишлаб чиқилган мақсад учун натижадорликнинг асосий кўрсаткичлари (НАК, Key Performance Indicator— KPI) ишлаб чиқилади. Моҳиятига кўра, мақсадларга эришиш ўлчовлари бўлган натижадорликнинг асосий кўрсаткичларини танлаш ёрдамида компания қисқа ва ўрта муддатли мақсадлар, фаолиятнинг молиявий ва молиявий бўлмаган кўрсаткичлари, бевосита кўрсаткичлар ёки симптомлар кўрсаткичларининг яхши мувозанатлашган тасвирига эга бўлади.

Айрим мувозанатлашган кўрсаткичлар тизимини жорий этган компаниялар бундай тизим иш бермай қоладиган вазиятларга дуч келади. Гарчи стратегия шакллантирилган, кўрсаткичлар ишлаб чиқилган, стратегик харита яратилгандек бўлиб кўринса-да, аммо раҳбарият ташкилот фаолиятининг барча қирралари бўйича аввалгидек ахборот олишга муяссар бўлмайди. Бизнинг фикримизча, бу СБЖ ўз-ўзидан мавжудлиги ва ташкилот бошқарувининг бошқа унсурлари: бюджетлаш тизимлари ҳамда бошқарув ҳисоби, стратегик ривожланиш ҳамда тезкор бошқарув воситалари билан бирон биралоқага эга эмаслигидан келиб чиқади. Бошқача сўзлар билан айтганда, СБЖ компаниядан ягонаривожланишни ўз стратегиясига ҳар бир бўлинмаларини ҳар бир ходимга қадар йўналтиришни тақозо этади.

Ташкилотда мавжуд бўлган тизимларга янги тизимни мослаштирмасдан туриб бунинг иложи йўқ. Компания умумий стратегияга мувофиқ ривожланиши учун қуйидаги шартлар бажарилиши лозим:

- бошқарувнинг тизимчаларидан ҳар бири стратегияни амалга оширишга ўз ҳиссасини қўшади;
- бошқарув тизимларининг ҳар бири СБЖ учун ахборот манбаи бўлиб хизмат қилади;
- СБЖ, ўз навбатида, бошқа тизимчаларнинг муваффақиятли амал қилишига имкон яратади.

Мувозанатлашган кўрсаткичларнинг муайян мажмуи индивидуал тарзда шакллантирилади. Баҳолашнинг ягонаалгоритми ёки қолипи мавжуд эмас. Ҳар бир йирик компания инсоний сармоянинг салоҳиятига турлича талаблар қўядиган стратегияга, муайян мақсад ва вазифаларга эга. Ташкилотлар низомлар, тузилмалар, бошқарув даражалари, ходимлар таркиби, раҳбарларнинг билими ва ёши, уларнинг малакаси, тажрибаси ва кўникмаси билан бир-биридан фарқ қилади.

Маҳаллий (миллий, маданий, ижтимоий) ўзига хосликлар қарорлар қабул қилиш жараёнлари ва механизмларга, бошқарувнинг турли функцияларини амалга оширишга, бошқарув маданиятини шакллантиришга муайян даражада таъсир кўрсатади. Бизнес шароитлари, бозор хусусиятлари, ходимларни рағбатлантиришнинг шакллантирилган тизими, компания бренди касбий ўсишда, лавозимга, инсон сармоясини бошқаришни ташкил этиш тизимида ўз изини қолдиради. У ёки бу вазифаларни муваффақиятли ҳал қилиш учун турли малака ва билимлар даражасига эга бўлган менеджерлар зарурдир. Уларнинг шахсий ва ишчанлик сифатларини мувозанатлаш тақозо этилади. Бир ташкилот учун яроқли бўлган ходимнинг сифати ва салоҳиятига қўйиладиган талаб бошқа ташкилотга тўғри келмаслиги мумкин. Тузилмасига кўра ҳатто бир турдаги бўлган

жамоаларнинг меҳнат маҳсулдорлиги турли ташкилотларда бир-биридан фарқланади.

Ҳар бир муайян ҳолатда мазкур ташкилот учун инсоний сармоя кўрсатишларини мослаштириш зарур.

Инсоний сармоя асосий кўрсаткичларининг қуйидаги тахминий рўйхатини келтириш мумкин: ходимларнинг сони; уларнинг унумдорлиги; коникиш даражаси; ходимнинг улуши; таклиф этилган такомиллаштиришлар сони; тренинглар сони; бир ходимнинг даромади; бир ходимга тўғри келадиган даромад; бир ходим учун маъмурий харажатлар; илмий даражага эга бўлган ходимлар сони; ходимлар қўнимсизлиги; компаниядаги ходимларнинг ўртача иш стажи; уларнинг ўртача ёши; доимий ва вақтинчалик ходимлар нисбати; олий маълумотга эга ходимларнинг нисбий салмоғи; етакчилик кўрсаткичи; ходимларнинг умумий сонидан штатдаги ходимларнинг улуши; талабларга мос равишда жалб қилинган ходимлари; “истикболли” даражасига эга ходимлар сони; мавзулар бўйича ўқитилган ходимлар сони; аттестациядан ўтказилган ходимлар фоизи; сертификациядан ўтказилган ходимлар сони; ўзаро ўрин алмашиш коэффициенти; ички меъёрий ҳужжатларнинг бажарилиши 65 %и; ривожланиш бўйичарежалаштирилган тадбирларнинг бажарилиш 78%и; бошқарув даражасига(МВА, РМР) эга менежерлар 0,1 %и; маъмурий харажатларнинг умумий қийматидаахборот тизимларига сарфларнинг нисбий салмоғи; хорижий тилларни биладиган штатдаги ходимлар сони; ходимларнинг жинсий ва ёш кўрсаткичлари нисбати.

СБЖни қўллаган ҳолда инсоний сармояни қуйидаги саволларга жавоб олиш ва таҳлил қилишни таъминлаш лозим:

- стратегияни амалга оширишни таъминлашга қодир бўлган персонал мавжудми? Агар йўқ бўлса, ходимларнинг қандай туркуми етишмаслигини аниқлаш ва янги ходимларни ишга қабул қилиш зарур;
- мавжуд ходимларўзига керак бўладиган малака, кўникма,

қобилиятларга (ҳам шахсий, ҳам жамоавий) эгами? Агар йўқ бўлса, уларни ўқитиш ва қайта ўқитиш дастурини ишлаб чиқиш зарур;

- рағбатлантиришнинг амалдаги тизимини (иш ҳақи, ижтимоий пакет, мартабада, касбий ва ижодий ўсиш имконияти) белгиланган мақсадларга эришишга ундайдими? Агар йўқ бўлса, жорий тизимни ўзгартириш ёки рағбатлантиришнинг янги тизимини ишлаб чиқиш зарур;
- корпоратив маданият янги стратегияга мос келадими? Агар йўқ бўлса, ташкилот маданиятини тегишли томонга ўзгартиришга таъсир кўрсатиши зарур;
- барчарежалаштирилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун ходимлар барча зарурий инфратузилмалар унсурлари— техник (масалан, ягона ахборот базаси), технологик (масалан, буюрмаларга тезкор ишлов бериш тизими), ташкилий (масалан, молиявий жавобгарлик марказларини бошқариш) билан таъминланганми?

Инсоний сармояни бошқаришда унинг кўрсаткичлари ИКнинг бошқа бўғинлари кўрсаткичлари билан мутаносиблигини таъминлаш муҳимдир.

СБЖни жорий этиш бир қанча босқичлардан ўтади. Босқичларнинг изчиллиги муҳимдир. Унинг ўзгариши тизимнинг иш лаёқатига салбий таъсир кўрсатади

Корхонанинг мақсадларига йўналтирилган бошқарувнинг бундай тизими қуйидагиларни ўз ичига: умумий истиқболларни кўришдан тортиб индивидуал рақобатбардош стратегиялар, шунингдек, мувозанатлашган КРІ дан фойдаланган ҳолда тадбирларни тасвирлаш ва назоратни олади.

Кўрсаткичлардан фойдаланишнинг бир неча умумий усулларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Кўрсаткичлар махсус қарорларни асослаш учун қўлланиши мумкин. Мазкур ҳолатда улар бевосита ҳаракатлар учун асос бўлиб хизмат қилади. Бундай усулни инструменталусул сифатида белгилаш мумкин.

Агар кўрсаткичлар жараён иштирокчилари қарор топган хўжалик ҳолатини ва вазиятини умумий тушунишга имкон яратса, шунингдек, ходимларнинг фикрлаш ва феъл-атвор тарзига таъсир кўрсатса, улардан фойдаланишнинг бундай турини концептуалтур деб аташ мумкин.

Қарорлар қабул қилингандан сўнг, уларни амалга оширишни енгиллаштириш ҳамда ходимларнинг хатти-ҳаракатига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган кўрсаткичлардан фойдаланишни рамзийфойдаланиш деб аташ мумкин.

Ҳар бир корхона учун кўрсаткичлар индивидуал тарзда белгиланишига қарамадан бизнеснинг ягона самарадорликнинг асосий кўрсаткичларига(САК) қўйиладиган талаблар мавжуд:

- чекланган миқдор;
- бутун ташкилот учун ягоналик;
- ўлчамлилик, рақамларда ифодалаш имконияти;
- муваффақиятнинг энг муҳим омиллари билан бевосита боғлиқлик;
- назорат остида бўлиш, яъни омилларга таъсир кўрсатиш имконияти;
- ходим учун рағбат ва бошқалар.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Ўзбектелеком АКда юқорида кўрсатилган талаблар асос сифатида олинган ва корхонада ҳам ушбу кўрсаткичлардан самарали фойдаланилади.

2.2. Ўзбектелеком АКда инвестицияларни жалб этиш кўрсаткичлари ва уларнинг инновацион лойиҳаларни ривожлантириш таҳлили.

Ахборот технологиялари соҳаси барча ривожланган мамлакатлар каби бизнинг республикамизда ҳам, давлат бюджетига тушадиган асосий даромадлар манбаидан бири бўлиб ҳисобланади. Ахборот технологиялари соҳасикенг кўламли ва сертармоқ соҳадир. У ўз ичига жуда кўпхизмат кўрсатиш соҳаларини қамраб олади. Шулардан бири сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 12 февралдаги ПҚ-2126-сон

Қарорига асосан “Ўзбектелеком” АК “ЎзМобайл” филиали негизда миллий мобил алоқа операторини яратиш лойихаси топширилган.

Лойиҳанинг биринчи босқичида 2015 йил давомида Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти ва Республика вилоят марказларида жами 960 та база станциялари ишга туширилди.

2. Лойиҳанинг иккинчи босқичида 2016-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида 9805та база станциялари ишга тушурилиб, GSM (2G), UMTS (3G) ва LTE (4G) технологияларини қўллаган ҳолда мобил алоқа тармоғини ташкил этилади.

“Ўзбектелеком” АК томонидан дунё телекоммуникация соҳасида жадал суръатларда ўсиб бораётган “Cloud computing” технологиялари асосида (облачные технологии) республика телекоммуникация бозорида янги хизматларни тақдим этиш режалаштирилган.


Шунингдек, корхонада инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш орқали инновацияни ривожлантиришга жуда катта эътибор берилади. Қуйидаги жадвалда 2015-2019 йилларда инфраструктурани ривожлантириш ва уни модернизация қилиш дастури ва ундан айнан АКТ соҳасини ривожлантиришга ажратилган маблағлар келтирилган.

2.2.1.Жадвал. 2015-2019 йилларда инфраструктурани ривожлантириш ва модернизация қилиш дастури²¹

	курсаткичлар	Улчов бирлиги	2015й	2016й	2017й	2018й	2019й	Жами 2015-2016й
1	Жами инвестициялар хажми	Млн.долл	1412,6	2108,3	2164,7	2107,7	2080,8	9874,1
	Шу жумладан							
2	АКТни ривожлантириш	Млн.долл	232,9	247,4	180,4	68,4	69,0	798,2


²¹ Ўзбектелеком АК маълумотлари.

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга ажратилган маблағларнинг каттагина қисми бугунги кунда АКТ соҳасига ажратилмоқда.



2.2.1-расм. АКТ соҳасига ажратилган инвестициялар миқдори²²

Расмдан кўриниб турибдики, инвестицияни ривожлантиришга қаратилган эътибор соҳа корхоналарида янгиликларни киритишга уларни ривожлантиришга, технологияларни ривожлантириш орқали инновацион лойиҳаларни янада оширишга хизмат қилади.



2.2.2-расм. АКТ соҳасига ажратилган инвестициялар миқдори²³

²²Ўзбектелеком АК маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Демак, 2015-2019 йиллардаги ажратилган маблағларнинг 7 фоизи АКТ соҳасига ажратилган маблағларни ташкил қилмоқда.

²³Ўзбектелеком АК маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

2.2.2-жадвал.2015-2019 йилларда АКТни ривожлантиришнинг манзилли дастури²⁴


№	Лойиха номлари	Асосий ўлчовлари	Лойихаларнинг реализация муддати	Лойиханинг умумий қиймати	Жами инвестиция қиймати 2015-2019йй	Шу жумладан манбалар бўйича			Хорижий хамкор
						Ўз маблағлари	Хорижий инвестиция	Тижорт банклари билан олинган кредитлар	
	Республика бўйича			883,7	798,2	78,0	676,8	43,4	
	Шу жумладан								
1	“Ўзбектелеком” АК UZMOBILE филиали базасида миллий оператор хизматларини ташкил этиш	3680 базавий станциялар (БС)	2015-2017йй	217,0	217,0	10,9	184,5	21,7	Хорижий банклардан кредитлар
2	Мобил алоқани янада ривожлантириш мақсадида бошқа операторларга ҳам 3G , 4GLTE технологиясини киритиш	4260 БС	2015-2020йй	252,9	226,2		226,2		
2.1	«COSCOM»фаолиятини янада кенгайтириш	1211 БС	2016йй	110,5	97,5		97,5		ИП МЧЖ «COSCOM»
2.2	«UNITEL»фаолиятини янада кенгайтириш	1545 БС	2015-2016йй	86,5	76,9		76,9		ИП МЧЖ «UNITE»
2.3	«RWC»фаолиятини янада кенгайтириш	784 БС	2015-2020йй	55,8	51,8		51,8		ИП МЧЖ «RWC»
3	абонентларга кенг полосали уланиш имконини яратувчи оптик-толали алоқа линияларини кенгайтириш	1,0млн. порт	2015-2020йй	104,5	73,7	8,8	61,3	3,6	Хорижий банклардан кредитлар
4	Маълумотлар узатувчи магистрал ва мултисервиз кўрсатувчи тармоқларни кенгайтириш	40Гбит/с	2016йй	80,0	80,0	4,0	68,0	8,0	JBIC
5	Рақамли телевидени сетини ривожлантириш	484 узатгичлар	2015-2016йй	79,6	79,6	11,9	67,7		
6	Оптик-толали алоқа линияларини қуриш	12100 км	2015-2020йй	48,3	40,3	30,2		10,1	Хорижий банклардан кредитлар
7	Коммутацион ускуналарни NGN технологияси асосида кенгайтириш	550минг номер	2015-2019йй	22,9	22,9	3,4	19,5		

²⁴“Ўзбектелеком” АК маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

8	коммутация марказини IMS янги авлод тармоғи технологиялари асосида модернизация қилиш (IP Multimedia Subsystem)	450 минг фойд алану вчилар	2016- 2020йй	31,9	19,4	2,9	16,5		
9	Маълумотларни сақлаш ва қайта ишловчи марказ ташқил этиш ("Дата- центр")	30 минг. Тбайт	2015- 2020йй	46,6	39,1	5,9	33,2		

2015-2019 йилларда АКТни ривожлантиришнинг манзилли дастурида кўрсатилишичарежалаштирилган лойиханинг умумий қиймати 883,7 фоизни ташқил қилмоқда.

2015-2019 йилларда жами ажратилган инвестициянинг манбалар бўйича тақсимланиши қуйидагича бўлинади.




2.2.3-расм. 2015-2019 йилларда жами ажратилган инвестициянинг манбалар бўйича тақсимланиши²⁵

Демак, шуни алоҳидаайтиб ўтиш керакки, жами ажратилган инвестицияларнинг асосий фоизини хорижий инвестициялар ташқил этмоқда.

²⁵“Ўзбектелеком” АК маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди


2.3.Ўзбектелеком АКда инвестицияларни жалб этиш орқали инновацияни ривожлантириш хусусиятлари

Компания бўйича 2016 йилдаасосий фаолиятдан 1 099 млрд. сўм (ҚҚСсиз 1 002 млрд.сўм) миқдорида даромад олиниши кўзда тутилган бўлиб, бу кўрсаткич 2015 йилгаамалдаги даромадидан 24 фоизга кўп.



2.3.1-расм. Даромадлар таркиби бўйича жами даромаддаги улуши²⁶

Маълумотлардан кўриниб турибдики, кўрсаткичларда белгиланишича халқаро хизматлардан фойдаланувчилардан келадиган даромад 36 фоизни яъни, энг катта фоизни ташкил қилмоқда.



2.3.2-расм.Ўзбектелеком Акнинг даромадлари тўғрисида маълумот²⁷


²⁶“Ўзбектелеком” АК маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди

²⁷“Ўзбектелеком” АК маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди

Шунингдек, компания 2016 йилга жуд кўп соф фойда кўриш учун ишларни режалаштирган.

Жумладан, компания 2016 йил якуни бўйича соф фойда 44,5 млрд. сўмни, ўсиш суръати 35 фоизни ташкил этиши кутилмоқда.

Мазкур соф фойдадан 11,4 млрд. сўм дивидендларга, қайта молиялаштириш ва заҳира жамғармасига 2,2 млрд. сўмдан, сармоя фондига 2,2 млрд.сўм, “Ўзбектелеком” АҚни ижтимоий ривожлантириш ва ишчиларни моддий рағбатлантириш фондига 0,3 млрд.сўм ва устав фондини капиталлаштиришга 28,4 млрд. сўм йўналтирилиши режалаштирилмоқда.



2.3.3-расм. Янги хизмат турларини ташкил қилиш²⁸

Компания янги хизмат турларини ташкил қилиши учун жуда кўп ишларни амалга оширмоқда. Улардан биттаси бу ҳозирги кунда дунё телекоммуникация соҳаларида кенг йўлга қўйилаётган **“булутли ҳисоблаш”** технологияларидир. Ва бу тизимг бугунги кунда (облачные технологии) ўтиш жараёнлари жадал суръатларда ўсиб бормоқда. Шунингдек, “Ўзбектелеком” АҚ томонидан ҳам республика телекоммуникация бозорида “булутли ҳисоблаш” технологиялари асосида янги хизматларни тақдим этиш режалаштирилган.

²⁸ Ўзбектелеком АҚ маълумотлари асосида тайёрланди.

Шу муносабат билан “Ўзбектелеком” АК Маълумотларни қайта ишлаш марказини (МҚИМ) ташкил этиш ишлари амалга оширилмоқда ва ушбу лойиҳани мувоффақиятли амалга оширилиши натижасида “булутли ҳисоблаш” технологияси асосида янги хизматларни тақдим этиш имкониятлари яратилади. Жумладан VPS, VDI, “Булутли хизматлар” Cloud computing , Colocation, Веб хостинг, электрон почта, лицензияланган дастурий таъминотлар, маълумотларни захиралаш ва бошқа.

Республика телекоммуникация бозорида “булутли ҳисоблаш” технологиялари хизмати янги хизмат бўлганлиги ва ушбу хизматни “Ўзбектелеком” АК биринчилардан бўлиб амалга оширилаётганлиги сабабли, “булутли ҳисоблаш” технологияси хизматини ривожлантириш учун тегишли маркетинг стратегияларини танлаш ваамалда тадбиқ этиш имкониятлари кенг:

- “Булутли ҳисоблаш” технологиялари янги бозорини яратиш;
- Лойиҳанинг афзалликлари (харажат стратегиясидан келиб чиқади);
- Рақобат стратегияси;
- Хизматларни сотиш стратегияси;
- Нархлаш стратегияси;

Компания олдида телекоммуникация тармоқларининг ҳаётий барқарорлигини қўллаб-қувватлаш, мустаҳкамлаш, шунингдек, келгусида тармоқни ривожлантириш ва модернизациялаш масалалари ечими учун қўшимча даромадлар олиш вазифаси турибди. Мазкур масаланинг ечими Компаниянинг тариф сиёсатини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлиб, унда қуйидагиларни кўзда тутати:

- компаниянинг умумий молиявий ҳолати, харажатлар ўсиш даражасини ҳисобга олиб, анъанавий телефон алоқа хизматлари тарифларини индексациялаш;

- Интернет абонентларига Интернет трафиги тугагани тўғрисида SMS ёки телефон орқали хабар жўнатиш;

- абонентларга кўрсатилаётган тариф планларидаги тезликларни маълум соат ва маълум кунга ошириш учун қўшимча хизмат турларини жорий қилиш;

- абонентларга кўрсатилаётган тариф режаларидаги трафик тугаганда қўшимча трафик сотиб олиш хизматини жорий қилиш ва бошқалар.

“Ўзбектелеком” АК олдига қўйган вазифалардан яна бири бу тариф сиёсатини такомиллаштиришдир. Аҳоли учун бозорга осон ва қулайлаштирилган янги тариф пакетларини ишлаб чиқиш. Яъни Интернетга уланиш, IPTV ва Телефония хизматларини бир шартномаасосида Double Play (Интернет ва Телевидение), Triple Play (Телефония, Интернет, Телевидение) пакетларини жорий этиш;

- кенг поласали уланиш (Интернет) абонентларини жалб этиш ва мавжуд абонентлар садоқатлилигини ошириш учун мавжуд талабни ўрганган ҳолдабой контентга эга ички ресурсларни яратиш ва биринчи босқичда мазкурресурслардан фойдаланишни бепул ташкил этиб кейинчалик бозор конъюктурасидан келиб чиқиб уларга маълум бир нарх белгилаш.

Компания даромадларини оширишда миллий мобил алоқа операторининг ўрни катта бўлиб мазкур хизмат турини ривожлантириш учун давлатимиз томонидан бир қатор қулайлик ва имкониятлар яратилган. Шу билан бирга, келгусидаги динамик ривожланиш йўлидаайрим жиддий муаммо ва тўсиқлар ҳам мавжуд.

Энг аввало, рақобат муҳити, хусусан, мобил алоқа операторлари томонидан бозорни эгаллаб олишга қаратилган тотал сиёсатни кўрсатиш лозим

Ҳозирги вақтда мобил алоқага талабнинг кўплиги мобил алоқа операторларининг мобил кенг поласали уланиш йўналишидаривожлантириш векторининг илгари сурилиши билан асосланади. Мобил алоқа операторлари республикада кенг тарқалган абонент терминаллари ёрдамида Интернетга 3G технологияси орқали қулай уланиш имкониятини бера оладилар, бу эса ўз ўрнида уларгарақобатбардош тариф режаларини тақдим этишга йўл очиб бермокда.

2.3.1-жадвал.2016 йилда киритилиши режалаштирилган қўшимча хизматлар²⁹

Хизматлар	Хизматлар киритиш натижаси
«Тўловлар учун бонуслар» хизматини киритиш	Абонент балансини тўлдириш жараёнида қўшимча бонус интернет/овоз/смс га эга бўлади.
Click тизимида «Автотўлов» хизматини киритиш	Click тўлов тизими билан биргаликда «Автотўлов» хизматини ишга тушириш
«Ягона интернет» хизматини киритиш	Абонент рақамлари орасида сотиб олинган интернет пакетини тақсимлаш хизматини ишлаб чиқиш ва тадбиқ қилиш.
«Мобил ўтказиш» хизматини киритиш	Абонент балансидан бошқа абонентга маблағ ўтказиш хизмати.

Компания олдида қўйган мақсадга эришишда жуда кўп стратегик ишларни режалаштирган. Компаниянинг бугунги ахборот технологиялар бозорида ёки хизматлар бозорида фаол иштирок этишини биз яхши биламиз.

Компаниянинг ахборот технологиялари бозоридаги улуши:

- Анъанавий телефонияда 1,8 млн. абонентов - **90%**. қайд этилган
- кенг полосали уланишларни амалга ошириш 367 минг. абонен - **80%**. қайд этилган
- Мобил алоқа - 500 минг. абонент, бозордаги улуши - **2,4%**.

Энг зарур вазифалар:

- оптик толали алоқа линиялари қурилиши
- Симсиз тизимни модернизация қилиш

²⁹ Ўзбектелеком АК маълумотлари асосида тайёрланди.

Рақобатчилар:

EastTelecom, Саркор телеком, Билайн, UMS, UCELL.

Корхонада бирнеча инновацион лойихаларни амалга ошириш режалаштирилган бўлиб, қуйидаги жадвалда унинг 2016-2020 йиллардаги ривожланиш босқичлари тахлил қилинган

2.3.2жадвал.ЎзбектелекомАКдаинновационлойихаларниамалгаошириш тўғрисида маълумот³⁰

№	Лойиханинг номи	Асосий максадлари	Лойихаларга қўйилган муддат
1	"ЎзМобайл" АК "Ўзбектелеком" АК таркибида миллий оператор ташкил этиш	3 680 базовых станций (БС)	2016-2017 йй
2	Кенг полосали уланиш имконини яратувчи оптик- толали алоқа линияларини кенгайтириш	1,0 млн. портов	2016-2020 йй
3	Маълумотлар узатувчи магистрал ва кичикхизмат кўрсатувчи тармоқларни кегайтириш	40 Гбит/с	2016 й
4	Полосали оптик тармоқларни ривожлантириш.	12 100 км	2016-2020 йй
5	коммутация марказларини янги авлод тармоғи (NGN) технологияси асосида модернизация қилиш ва кенгайтириш	550 минг. номерлар	2016-2019 йй
6	Коммутация марказини IMS янги авлод тармоғи технологиялари асосида модернизация қилиш (IP Multimedia Subsystem)	450 минг. фойдаланувчилар	2016-2020 йй
7	Маълумотларни сақлаш ва қайта ишловчи марказ ташкил этиш ("Дата-центр")	30 минг. Тбайт	2016-2020 йй

³⁰Ўзбектелеком АК маълумотлари асосида тайёрланди.

Ўзбектелеком АКда инновацион лойихаларни амалга оширишга ва унинг ривожланиш босқичларига ижобий таъсир кўрсатади. 2016-2020 йилларга режалаштирилган инновацион лойихалар дастлабки йиллардан бошлаб ўз самарасини бериб бошлайди ва соҳанинг ривожланишига хисса қўшади.

II боб бўйича хулоса

«Ахборот-коммуникация соҳасида бошқарувнинг инновацион технологияларидан фойдаланишнинг асосий йўналишлари» деб номланган ушбу бобда АКТ соҳасида бошқарувнинг инновацион технологияларидан фойдаланишнинг асосий жihatлари кўриб чиқилди. Ахборот-коммуникация соҳасида бошқарувнинг инновацион технологияларидан фойдаланишнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб бу ходимларни рағбатлантириш тизими ҳисобланади ва у белгиланган чораклик ва йиллик асосий кўрсаткичлари бажарилиши асосида шакллантирилади.

Қарорлар қабул қилингандан сўнг, уларни амалга оширишни енгиллаштириш ҳамда ходимларнинг хатти-ҳаракатига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган кўрсаткичлардан фойдаланишни рағбатлантириш деб аташ мумкин. Ахборот технологиялари соҳаси барчаривожланган мамлакатлар каби бизнинг республикада ҳам, давлат бюджетига тушадиган асосий даромадлар манбаидан бири бўлиб ҳисобланади. Ахборот технологиялари соҳаси кенг кўламли ва сертармоқ соҳадир. Корхонада соф фойдадан 11,4 млрд. сўм дивидендларга, қайта молиялаштириш ва захира жамғармасига 2,2 млрд. сўмдан, сармоя фондига 2,2 млрд. сўм, “Ўзбектелеком” АҚни ижтимоий ривожлантириш ва ишчиларни моддий рағбатлантириш фондига 0,3 млрд. сўм ва устав фондиди капиталлаштиришга 28,4 млрд. сўм йўналтирилиши режалаштирилмоқда. Шунингдек, Республика телекоммуникация бозорида “булутли ҳисоблаш” технологиялари хизмати янги хизмат бўлганлиги ва ушбу хизматни “Ўзбектелеком” АҚ биринчилардан бўлиб амалга оширилаётганлиги сабабли, “булутли ҳисоблаш” технологияси хизматини ривожлантириш учун тегишли маркетинг стратегияларини танлаш ва амалда тадбиқ этиш имкониятлари кенг. “Ўзбектелеком” АҚ олдида қўйган вазифалардан яна бири бу тариф сиёсатини такомиллаштиришдир. Ҳозирги вақтда мобил алоқага талабнинг кўплиги мобил алоқа операторларининг мобил кенг поласали уланиш йўналишида ривожлантириш векторининг илгари сурилиши билан асосланади. Мобил алоқа операторлари республикада кенг тарқалган абонент терминаллари ёрдамида Интернетга 3G технологияси орқали қулай уланиш имкониятини бера оладилар, бу эса ўз ўрнида уларга рақобатбардош тариф режаларини тақдим этишга йўл очиб бермоқда.

Шбоб. Ахборот-коммуникация сохасида инновацион лойихаларни амалга оширишнинг истиқболлари

3.1. Ахборот-коммуникация сохасида инновацион лойихаларни амалга оширишнинг самарадорлигини белгиловчи омиллар

Умуман янги лойихаларни баҳолаш бутун ташкилий тузилма доирасидаги турли хил бўлинмаларнинг биргаликда амалга оширадиган операцияларидан бири ҳисобланади. Бу каби ташкилий ишлар самарали кечиши учун алоҳида шахслар ҳамда ташкилий тузилма доирасида мавжуд бўлган турли хил формал ва ноформал гуруҳларнинг ўзаро муносабатлари яхши йўлга қўйилган бўлиши керак. Янги лойихаларни баҳолаш процедураси яхши йўлга қўйилган ташкилотларда бу каби ишлар умумий инновацион жараёнларнинг ажралмас элементи га айланиб қолади. Компанияда шахслар ва гуруҳлараро алоқаларнинг ривожлантирилиши туфайли бутун ташкилий тузилманинг барча бўлинмалари бошлиқларидан (илмий тадқиқот ва тажрибавий конструкторлик ишларидан ташқари) масалага оид фикр-мулоҳазаларни тўплаш мумкин.

Инновацион лойихаларни баҳолашнинг энг содда услубларидан бири бу масалага тааллуқли барча мезонларнинг рўйхатини тузиб чиқиш ҳисобланади. Моҳият негизига кўра лойихаларни баҳолаш барқарор ва узлуксиз давом этувчи жараёнлардан бўлгани боис вақт ўтиб боргани сари ишда қўлланиладиган барча мезонлар тобора деталлаштирилади ва янада аниқроқ ифодаланади. Қуйида биз инновацион лойихаларни баҳолаш учун хизмат қилувчи мезонларнинг намунавий рўйхатини келтирмоқчимиз. Уларни нисбий равишда алоҳида гуруҳларга ажратиш мумкин.

1. Компаниянинг асосий мақсад ва вазифалари, стратегиялари, сиёсати ва кадриятлари билан узвий боғлиқ бўлган мезонлар:

1. Мақбул топилган лойиҳанинг компаниянинг жорий стратегияси ҳамда узоқ муддатли режалари билан ўзаро мослиги.

2. Янги лойиҳанинг потенциални эътиборга олиб Ўзбектелеком АК стратегиясига муайян ўзгартиришлар киритиш имкониятининг мавжудлиги.

3. Янги лойиҳанинг Ўзбектелеком АК ҳақидаги тасаввурлар билан ўзаро мослиги.

4. Янги лойиҳанинг Ўзбектелеком АКда қарор топган рискларга нисбатан муносабатлар билан ўзаро мослиги.

5. Янги лойиҳанинг Ўзбектелеком АКда қарор топган инновацияларга нисбатан муносабатлар билан ўзаро мослиги.

6. Янги лойиҳанинг реализацияси учун талаб этиладиган муддатларнинг (вақт мезони) Ўзбектелеком АК талабларига мос келиши.

2. Бозор шарт-шароитлари билан боғлиқлик нуқтаи назардан баҳоланадиган мезонлар:

1. Янги лойиҳа реализациясининг бозорнинг аниқ ифодаланган эҳтиёжларига мос келиши.

2. Бозорнинг умумий сифими.

3. Ўзбектелеком АК назорат қилиш мумкин бўлган бозор сегментининг умумий ҳажми.

4. Янги хилдаги хизматнинг товар шаклидаги ҳаётий циклининг аниқ белгиланганлиги.

5. Тижоратчилик нуқтаи назаридан янги лойиҳанинг самарадорлиги.

6. Бозорда амалга оширилиши мумкин бўлган савдо операцияларининг умумий ҳажми.

7. Бозордаги циклининг вақт мезонлари ёрдамидаги ўлчамлари.

8. Янги хилдаги маҳсулотнинг бозорда мавжуд бошқа хилдаги маҳсулотларга нисбатан кўрсатадиган таъсири.

9. Янги хилдаги маҳсулотнинг нархини шакллантирилиши ҳамда маҳсулотнинг харидорлар томонидан қабул қилиниши.

10. Ўзбектелеком АКнинг рақобатчилик борасидаги позицияси.

11. Янги хилдаги хизматларнинг жорий пайтдаамал қилиб келаётган саво каналлари орқали сотилиши эҳтимоллари.

12. Янги хилдаги хизматларни бозорга олиб чиқишнинг дастлабки даврларида қилинадиган сарф-харажатлар қўламини баҳолаш.

3. Илмий-техник нуқтаи назардан баҳоланадиган мезонлар:

1. Инновацион лойиҳанинг илмий тадқиқот ва тажрибавий конструкторлик ишларида стратегиясига мослиги.

2. Лойиҳанинг потенциалидан келиб чиқиб илмий тадқиқот ва тажрибавий конструкторлик ишларида стратегиясига тегишли ўзгаришларни киритиш имкониятларининг мавжудлиги.

3. Техник нуқтаи назардан янги лойиҳанинг муваффақиятли яқун топиш эҳтимоли.

4. Янги лойиҳани ишлаб чиқиш учун сарфланадиган умумий харажатлар вареал вақт ифодаси.

5. Патентлаштириш талаблари нуқтаи назардан лойиҳанинг мақбуллиги.

6. Ўзбектелеком АК ихтиёрида янги лойиҳани реализация қилиш учун зарур миқёсидаги илмий –техник ресурсларнинг мавжудлиги.

7. Янги лойиҳа ҳамда унинг негизидаривожлантириладиган янги технологиягаасосланиб келгусида илмий тадқиқот ва тажрибавий конструкторлик ишларида фаолиятини давом эттириш имкониятларининг мавжудлиги.

8. Янги лойиҳанинг Ўзбектелеком АКда ишлаб чиқиладиган бошқа лойиҳаларга кўрсатадиган таъсири.

4. Молиявий нуқтаи назардан баҳоланадиган мезонлар:

1. Илмий тадқиқот ва тажрибавий конструкторлик ишларида фаолиятининг умумий қиймати.

2. Ишлаб чиқаришга сарфланадиган маблағларнинг умумий қиймати.

3. Маркетинг фаолиятини йўлга қўйиш учун сарфланадиган маблағларнинг умумий қиймати.

4. Зарурат туғилганида ишлатилиши мўлжалланган ортиқча маблағларнинг мавжудлиги.

5. Танлаб олинган лойиҳанинг молиявий маблағлар талаб этиладиган бошқа лойиҳаларга таъсири.

6. Танлаб олинган лойиҳанинг даромад келтира бошлайдиган вақти ҳамда қилинадиган сарф-харажатларнинг максимал манфий ифодасини акс эт-тирувчи нуктаси.

7. Потенциал жиҳатдан баҳоланиши мумкин бўлган йиллик фойда миқдори.

8. Олиниши кутилаётган фойда нормаси.

9. Танлаб олинган лойиҳанинг компанияда қабул қилинган инвестицияларнинг самарадорлик мезонларига жавоб бериши.

5. Ишлаб чиқариш нуктаи назардан баҳоланадиган мезонлар:

1. Янги технологик жараёнлар.

2. Малакали персоналнинг ишлаб чиқариш учун етарлича миқдорда мав-жудлиги.

3. Танлаб олинган лойиҳанинг мавжуд ишлабчиқариш қувватларига мос-лиги.

4. Ишлаб чиқариш учун зарур материалларнинг мавжудлиги ва уларнинг нарх-навоси.

5. Ишлаб чиқариш сарф-харажатларининг умумий қиймати.

6. Қўшимча ишлаб чиқариш қувватларига бўлган талаб даражаси.

Е. Ташқи ва иқтисодий шарт-шароитларга боғлиқ бўлган мезонлар:

1. Лойиҳанинг реализациясига маҳсулотлар ва технологияларнинг зарарли таъсири.

2. Лойиҳанинг реализациясига ижтимоий фикрнинг таъсири.

3. Жорий ва истиқболдаги қонунчиликнинг таъсири.

4. Лойиҳанинг умумий бандлик жараёнларига кўрсатадиган таъсири.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтмоқчимизки, лойиҳаларни баҳолаш учун ишлатиладиган биронта ҳам формаллаштирилган услуб моҳият негизига кўра потенциал жиҳатдан ёхуд истиқболда умид қилса бўладиган самарадорлик даражасининг математик ифодаси бўлолмайди, уларайни шарт-шароитларда фақатгина мавжуд турли хил услублардан энг оптималини танлаб олиш имко-ниятларини яратиб беради холос. Умуман олганда, ҳар бир компания лойиҳа-ларни баҳолашнинг ўзига мақбул бўлган шакл ва мезонларини танлаб олиши мумкин. Бизнинг назаримизда, лойиҳаларни баҳолашнинг рейтинг услуби бошқа хилдаги услублардан бир қатор афзалликларга эга экани билан ажралиб туради. Бу афзалликлар қуйидагича ифодаланиши мумкин:

- лойиҳаларни турли хил мезонлар бўйича баҳолашга имкон беради;
- лойиҳани баҳолаш бўйича тўпланган субъектив ҳамда объектив кўрсаткичлар ифодасини умумлаштириб битта кўрсаткич билан акс эттириш им-кониятига эга;
- лойиҳаларни баҳолашнинг турли хил мезонларини танлаб олиш вақтида конкрет ташкилотнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш имкониятини беради;

Танлаб олинган лойиҳани алоҳида олинган муайян мезонлар бўйича баҳолаш натижалари объектив хусусиятга эга бўлмоғи учун жараёнга таъсир кўрсатувчи бир группа омилларни ва алоҳида олиб қараладиган омилларни рейтинг кўрсаткичлари асосида баҳолаб олиш керак бўлади. Шундан кейин, мақбул топилган алоҳида бир услуб ёрдамида (масалан, аддитив ёки мультипликатив услуб) тўпланган барча кўрсаткичларни умумлаштириб ягона бир кўрсаткич билан ифодалаш лозим.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, компанияларнинг илмий тадқиқот ва тажрибавий конструкторлик ишларида, ишлаб чиқариш, маркетинг

вамолиявий фаолиятларини таҳлил қилишга нисбатан портфелли ёндашув бирламчи аҳамиятга касб этади.

Инновацион лойиҳаларни баҳолашга нисбатан комплекс тарзда ёндашув талаб этилиши, мазкур ишларни амалга ошириш давомида жараёнда компаниянинг барча ташкилий бўлинмалари фаол иштирок этиши лозимлиги асослаб берилди. Бизнинг назаримизда, муҳокамага қўйилган масалани таҳлил қилиш қуйидаги шарт-шароитлардан келиб чиқиб бажарилиши шарт:

- муҳокама қилиш учун таклиф этилаётган лойиҳанинг иқтисодий параметрларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳар битта омил атрофлича муҳокама этилиши ва баҳоланиши зарур;

- ҳеч бўлмаганида битта жиддий мезон талабларига жавоб бера олмайдиган янги лойиҳа қабул қилинмаслиги лозим;

- таклиф этилаётган лойиҳани муҳокама қилиш учун қўшимча информациялар зарурлиги асослаб берилган, деб эътироф этилади;

- турли хил лойиҳаларни ўзаро солиштириб кўриш учун зарур база яра-тилганлиги эътиборга олинади;

- компаниянинг раҳбарияти (юқори бошқарув бўғини), илмий тадқиқот ва тажрибавий конструкторлик ишларидараҳбарият ҳамда бошқа хил ташкилий бўлинмаларнинг бошлиқлари ўз хатти-ҳаракатларини мувофиқлаштириб олиши учун хизмат қилувчи процедуралар ишлаб чиқилади;

- муҳокама қилиш учун таклиф этилаётган лойиҳа юзасидан сўнгги ҳал қилувчи қарорни ташкилот раҳбари қабул қилади. Бундаалбаттараҳбардан, ўтқир зеҳн, конструктив фикр юритиш салоҳияти, интуитив ҳис-туйғуларга эътиборли бўлиш талаб этилади.

1. Ташкилотда иқтисодий ва ташкилий жараёнларни йўлга қўйишга оид турли хил изланишларни амалга ошириш ва шу асосда янгича иш тамойилларини кашф қилиш учун қулай муҳит яратиш лозим.

2. Ташкилий тузилма миқёсидаги жамики инновацион фаолиятнинг пировард мақсади истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини қондиришдан иборат бўлмоғи даркор.

3. Ташкилотнинг олдида турган умумий мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, инновацион фаолиятнинг устувор йўналишларини белгилаб олиш керак.

4. Илмий изланиш-ишлаб чиқариш-маҳсулотни реализация қилиш замирида муваффақиятли ва самарали ишлашнинг таъминлаш бу жараёнларнинг босқичма-босқич ижросини тезлаштириш учун бошқариш тузилмасини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

5. Имконият борича инновацион лойиҳаларни яратиш ва амалиётга жорий этиш муддатларини камайтириш лозим. Бунинг учун мазкур жараёнларнинг босқичма-босқич эмас, балки параллел равишда амалга оширилишига эришмоқ шарт.

Инновацион менежментнинг асосий масалаларидан инновацияларни яратиш чоғида :

-Ишлаб чиқарилиши мўлжалланган янги маҳсулотларни реализация қилиши учун қулай бозорларни аниқлаш (эҳтиёжлар, харидорлар нимани афзал кўришади, бозорнинг алоҳида сегментларини танлаш, товарни харидорга етказиш стратегияси)

-Янги маҳсулотнинг харақати ва хусусияти ва ҳаётий довомийлигини олдиндан кўриб чиқишга интилиш.

-Янги маҳсулотни реализация қилишнинг турли хил усулларини урганиб чиқиш.

-Ресурсларни бозорининг конъюктурасини ўрганиш.

-Инновацион лойихани амалга оширишнинг махсулот ишлаб чиқариш учун зарур эҳтиёт қисмларини ва ускуналарини етказиб беришни ўз зиммасига олувчи пудратчиларини топиш.

-Техник ижроси ўта мураккаб бўлган ёки юқори даражада иқтисодий таваккалчиликни талаб этадиган янги махсулотни ишлаб чиқаришга тайёрлаш борасидарақобатчилар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш имкониятларини излаш.

-Янгича махсулотни ишлаб чиқаришга кетадиган сарф харажатларини унинг нархини ишлаб чиқариш ва сотиш кўламини комплекс тарзида таҳлил қилиш.

-Инновацияларнинг самарадорлигини баҳолаш ва уларни инвестицион лойиха сифатидарежалаштириш.

-Иқтисодий таваккалчилик даражасини уларни минималлаштириш ва суғурталаш усулларини аниқлаш.

-Янгича махсулотни яратиш, лойихани иқтисодий жиҳатдан ўзлаштириш ва бозорга чиқариш учун мос келадиган ташкилотчилик шакллари танлаш.

-Бозорга чиқаришнинг мувофиқлигини ўзга жараёнга мос келувчи технологияларни режалаштириш.

Корхоналарда шунингдек инновацион жараёнларни бошқариш борасидаалоҳида эътиборга лойиқ топиладиган масалалар борки, уларнинг орасида энг муҳимлари ишлаб чиқилган турли хилдаги инновацион лойиҳалар ичидан энг афзалини танлай билиш ҳамда ташкилот ихтиёрида бўлган ресурсларни оқилона тақсимлай олиш муаммоси саналади. Инновацион жараёнларни бошқариш давомида ташкилотдаги менежмент тизимининг роли жуда катта. Айнан шу тизим миқёсида қабул қилинадиган қарорлар пировард натижасида инновацион лойиҳаларнинг истиқболини белгилайди. Бундан келиб чиқадики, ташкилот томонидан мақбул топилиб рўёбга ошириладиган инновацион лойиҳалар муваффақиятли яқунланиши

учун ташкилотнинг бутун менежмент тизими, унинг энг юқори поғонасидан то энг қуйи поғонасигача (Илмий тадқиқот ва тажрибавий конструкторлик ишларида ни бошқариш тизимига қадар), узвий алоқадорликда ишлай билиши, бошқарув ва ишлаб чиқариш жараёнларига тааллуқли масалаларни комплекс тарзда ҳал эта билиши керак.

Амалий фаолият натижаларини кузатиш ва таҳлил қилиш шундан далолат берадики, ташкилот ихтиёрида бўлган ресурслар деярли ҳамма вақт чекланган бўлади. Шу сабабли аксарият ҳолларда ташкилот ихтиёрида мавжуд бўлган асбоб-ускуналар, тажрибали лойиҳачилар, материаллар ва ҳар қандай ташкилот учун энг муҳими, камёб саналадиган иқтисодий (шу жумладан, инновацион) жараёнларни самарали бошқариш салоҳиятига эга бўлган кадрлар каби турли хилдаги ресурслар талаб қилинадиган ҳар хил лойиҳалар ўртасида кескин рақобатчилик кураши кечади. Ушбу шарт-шароитларда ташкилотнинг менежмент тизими (айниқса, тизимнинг энг юқори бўғини) ишлаб чиқилган турли хилдаги инновацион лойиҳалар орасидан энг афзалини, яъни иқтисодий жиҳатдан самарадорлиги нисбатан юқори деб топиладиган лойиҳани тўғри тан-лай билиши жуда муҳим бўлиб қолади. Айрим ҳолларда Илмий тадқиқот ва тажрибавий конструкторлик ишларида портфелини тўғри ташкил этиш пировард натижада мавжуд ресурсларни тўғри тақсимлай билиш муаммоси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб қолади. Бундай вазиятларда иқтисодий жиҳатдан анча самарали бўлиб кўринадиган лойиҳалардан стратегик миқёсда муваффақият қозонмоқ учун аҳамиятли деб топиладиган бошқа бир масалалар фойдасига оқилона воз кеча билиш талаб этилади.

3.2. Инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг “Ўзбектелеком” АК истиқболига таъсири

“Ўзбектелеком” АКда бошқарув стратегиясини амалга оширишда жуда кўп масалалар мақсад қилиб қўйилган бўлиб, улар қуйидагича белгиланган:

- халқаро тажрибаасосда замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш варесурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;
- акциядорлик жамиятларига хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун қулай шароитлар яратиш;
- замонавий халқаро стандартлар ва бозор иқтисодиёти талабларига мос янги компания бошқариш тузилмасини ташкил этиш;
- акциядорлик жамиятларини стратегик бошқариш, бошқарув ходимларининг самарали фаолиятини назорат қилишни таъминлашдаакциядорлар, ролини ошириш;
- етакчи хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорлик асосида бошқарув ходимларини тайёрлаш ва уларнинг касб даражасини ошириш, шунингдек, акциядорлик жамиятларида раҳбарлик лавозимларига чет эллик юқори малакали менежерларни жалб қилиш белгиланган.

“Ўзбектелеком” АК ҳамда “Unicon” ДУК ўртасидаги 2015 йил 9 мартдаги № И-150-сон шартномасигаасосан “Unicon” ДУК томонидан “Телекоммуникация соҳасида халқаро тажрибалар ва замонавий корпоратив бошқарув услублари асосида “Ўзбектелеком”АК таркибий тузилмасини ташкил этиш” илмий изланиш натижалари тўғрисидаги таклифи берилган. Мазкур изланиш “Ўзбектелеком” АК ва “Unicon” ДУК мутахассислари томонидан жаҳоннинг ривожланган АҚШ, Германия, Япония, Россия ва бошқа давлатларининг корпоратив бошқарув тузилмаларини ва тажрибасини ўрганиб, Компанияда тармоқ хусусиятларини инобатга олган ҳолда намунавий тузилмаси ишлаб чиқилган³¹.

Акциядорларнинг 2015 йил 29 июндаги навбатдаги умумий йиғилиши 30-сон баённомасигаасосан Компания ижроия аппарати таркибий тузилмаси 46

³¹ Ўзбектелеком АК маълумотлари асосида тайёрланди.

табошқарув аппарати персоналари сони ҳамда 17 та ёрдамчи персонал сони тасдиқланган.

Бугунги кунда “Ўзбектелеком” АКга қуйилаётган талаблар ва Компания корпоратив бошқарувини янада такомиллаштириш мақсадида халқаро тажрибага эга консалтинг ташкилотлари билан ҳамкорликда ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 21 декабрдаги “Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб қилиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2454-сон Қарорига асосан Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторни кенг жалб этиш ва иқтисодиётда давлатнинг иштирокини тубдан камайтириш белгиланган.

3.3. Инновацион фаолиятни ривожлантиришда “Ўзбектелеком” АКнинг истиқбол режалари

Инновацион фаолиятни ривожлантиришда “Ўзбектелеком” АКнинг истиқбол режаларини кўриб чиқамиз. Компания ўз мақсад вазифаларидан келиб чиқиб, жуда кўп ишларни амалга оширмоқда. Жумладан корхона фаолиятига хорижий инвестицияларни жалб қилиш орқали фаолиятни такомиллаштириш ва уни модернизация қилиш истиқбол режа сифатида киритилган.

“Ўзбектелеком” АКга хорижий инвесторларни жалб қилиш учун:

- компания инвестицион таклифи лойиҳаси ишлаб чиқилди;
- компаниядаги давлат улушини баҳолаш ишлари амалга оширилмоқда;
- баҳоловчи ташкилнинг талабига биноан Компаниянинг мулклари хатловдан ўтказилмоқда;
- 2015 йил 27 ноябрдаги “Ўзбектелеком” АК Кузатув Кенгашининг 212-сон баённомаси қарорига асосан “Ўзбектелеком” АКнинг 2016 йил Бизнес-режаси маъқулланган.

-“Ўзбектелеком” АКнинг асосий мақсади мижозлар (юридик ва жисмоний шахслар, давлат бошқарув органлари ва бошқалар)нинг телекоммуникация хизматларига бўлган талабларини тўла қондириш, компания рақобатбардошлигини ошириш мақсадида телекоммуникация тармоқларини барқарорривожлантириш, модернизациялаш варивожлантириш учун илғор технологияларни жалб қилиш, янги хизматлар турларини жорий этиш, бунинг натижасида даромадларни кўпайтириш ва соф фойдани максималлаштириш ҳисобланади.

Компаниянинг 2016 йил бизнес режасида кўзланган стратегияси:

- телекоммуникация хизматлари бозорининг барча сегментларида етакчи ўринларга чиқиш ва мобил алоқа хизматлари бозорида ўз ўрнини мустаҳкамлаш;
- даромадлар ўсиш суръатини 20 фоиздан кам бўлмаслигини таъминлаш;
- Ўзбекистон Республикаси вилоят ва туман марказларига қадар магистрал тармоқларни кенгайтириш ва заҳиралаш;
- замонавий оптик-толали узатиш тизимидан фойдаланган ҳолда магистрал, зона ичи ва маҳаллий телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва модернизациялаш;
- FTTx технологияси негизидаабонентларга кенг полосали уланиш имконини яратиш бўйича оптик-толали алоқа линияларини қуриш ва қурилмаларни ўрнатиш;
- кенг полосали хизматларга уланиш (ШПД) сегментидаги юқори даражали ривожланиш динамикасини таъминлаш ва янги абонентларни жалб этиш;
- мобил алоқа тармоғини республика миқёсида кенгайтириш бўйича ишларни давом этириш ваабонентлар сонини ошириш;

Алоқа соҳасида жаҳондаги етакчи операторларнинг амалиёти шуни кўрсатадики, бугунги кунда маркетинг ташаббусларининг ривож, хизматларнинг пакетлаштирилиши ҳисобланади.

Яъни фойдаланувчиларга бир пайтда 2 ва ундан ортиқ хизматлар пакетини жумладан интернет, телефония, IP телевидения, мобил алоқа хизматларини ягона шартномаасосида тақдим этиш. Бу ўз ўрнида бир қурилмадан максимал фойдаланиш ва хизматлар нарҳини бир мунча камайтириш билан бир қаторда даромадни ҳам ошириш имкониятини беради.

Корпоратив сектор бўйича маркетинг сиёсатини кўриб чиқиш ва янада самарали манзилли ҳамда индивидуал маркетинг воситалари ҳамда каналларини ташкил этиш, ҳар бир йирик корпоратив мижозгаалоҳида индивидуал ёндашув ҳамда ишда муносиб усулларни қўллаш ваасосий корпоратив савдолари телекоммуникация хизматлари бозорида ўз ўрнини эгаллаш.

Шунингдек, ташкилотда инновацион ишларни амалга ошириш натижаси сифтида Ўзбектелеком АКнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиб келаётган Ўзбектелеком АКнинг UZMOBILE филиалини кўриб ўтамиз.

Республика минтакаларида 3G/EV-DO технологияларини жорий этилиши билан UZMOBILE CDMA-450 тармоғини ривожлантириш ишларидан бошланди. “Телекоммуникация тармоқлари ва иншоотларни модернизация қилиш ва ривожлантириш” инвестиция лойихасига мувофиқ филиал томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб 3G/EV-Do юқори сифатли интернетни жорий этиш ишлари амалга оширила бошланди. Маълумотларни 3,1 Мб/с. тезликда узатиш имконини берувчи 3G/EV-DO технологиясини жорий этиш билан тармоқни кенгайтириш лойихаси амалга оширилди. 2 671 та умумий таълим муассасалари ва 6875 та кишлоқ аҳоли пунктлари телефонлаштирилди.

2013-йилда бутун Ўзбекистон ҳудуди бўйлаб UZMOBILE CDMA-450 EV-DO стандарти мобил алоқаси билан камраб олиш даражаси 71,3 фоизни

ташқил этганди. “Ўзбектелеком” АК UZMOBILE филиали томонидан 844та кишлоқ врачлик пунктлари, 143та касб-хунар коллежлари, 14та касалхона, 3584та умумтаълим мактаблари, 494та мактабгача таълим муассасалари ва 8440 кишлоқ аҳоли пунктлари телефонлаштирилди. Кичик сиғимли 588та кишлоқ телефон стансияси 20 мингдан ортиқ абонент UZMOBILE CDMA-450 филиалига уланган.

2014-йилда UZMOBILE филиали 10 йиллиги нишонланди. Тармокни Ўзбекистон бўйлаб фаол ривожлантириш ишлари давом этмокда. Ўзбекистоннинг барчааҳоли пунктлари бўйлаб, UZMOBILE CDMA-450 EV-DO стандарти мобил алоқаси билан камраб олиш даражаси 85 фоизга етказилди, абонентлар сони эса мамлакат бўйлаб 500 минг абонентдан ортиқни ташқил этди.

Бугунги кунда UZMOBILE CDMA-450 стандарти абонентларига қуйидаги рақобатбардош тарифлар ва катор хизматлар: халқаро роуминг, чакирикларни бошқа манзилга йўллаш, уч томонлама чакирик (конференсалоқа), овозли почта (VMS), қисқа хабарлар хизмати (SMS), мобил Интернет, виртуал хусусий тармок (VPN), халқаро муқобил кўнғироқлар, қисқарақамлар, “ GUDOK ” хизмати ва бошқаларамал қилади.

Унга мобил алоқа бозорида миллий компанияларнинг кенг иштироки учун зарур шароитларни яратиш ҳамда мамлакатнинг кўчма мобил алоқа тармоқларини янадаривожлантириш, шунингдек, ахборот хавфсизлигини таъминлаш вазифалари юклатилган.

Қарорга мувофиқ, 2014-2017 йилларда бутун Ўзбекистон ҳудуди бўйлаб мобил алоқа миллий оператори UZMOBILEни жаҳон ишлаб чиқарувчиларнинг энг янги усқуналарини ўрнатиш орқали жадал ривожлантириш назарда тутилган.

“Ўзбектелеком” АК UZMOBILE филиали CDMA-450 EV-DO тармоғини фойдаланишга топшириш ҳамда келгусидаривожлантириш давом эттиради.

Шу билан бирга, UZMOBILE GCM стандарти тармоғининг қурилиши фаол олиб борилади.

2015-йил апрел ойидан GCM UZMOBILE тижорат тармоғи Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида фойдаланишга топширилди.

2016-2017 йилларда бутун Ўзбекистон ҳудуди бўйлаб 2G/3G ва 4G технологияси жорий этилган UZMOBILE GCM тармоғини кенгайтириш кўзда тутилган. Шу билан бир вақтда, UZMOBILE CDMA-450 EV-DO тармоқларини ривожлантириш давом этмоқда. UZMOBILE абонентлари учун қулай ваарзон тариф режалари, шунингдек, ҳар икки: CDMA-450 EV-DO ҳамда GCM 2G/3G , 4G LTE стандартлари устунликларидан фойдаланган ҳолда сифатли хизматлар тақдим этилади.

Хулоса ўрнида қуйидаги тақлифларни беришимиз мумкин, Ўзбекистон Республикасида янада UZMOBILE GCM тармоғини кенгайтириш бўйича чора-тадбирларини қўриш, янги лойиҳалар устида ишлаш ватақомиллаштириш йўлларини ишлаб чиқилиши бўйича ишлар мақсадга мувофиқ бўлар эди.

III боб бўйича хулосалар

«Ахборот-коммуникация соҳасида инновацион лойиҳаларни амалга оширишнинг истиқболлари» деб номланган учинчи бобида АКТ соҳасидаги инновацион лойиҳаларнинг истиқболлари ва уларнинг кейинги даврда амалга оширилиши режалаштирилаётган ишлари назарда тутилган. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтмоқчимизки, лойиҳаларни баҳолаш учун ишлатиладиган биронта ҳам формаллаштирилган услуб моҳият негизига кўра потенциал жиҳатдан ёхуд истиқболда умид қилса бўладиган самарадорлик даражасининг математик ифодаси бўлолмайди, уларайни шарт-шароитларда фақатгина мавжуд турли хил услублардан энг оптималини танлаб олиш имкониятларини яратиб беради холос. Умуман олганда, ҳар бир компания лойиҳаларни баҳолашнинг ўзига мақбул бўлган шакл ва мезонларини танлаб олиши мумкин. Бизнинг назаримизда, лойиҳаларни баҳолашнинг рейтинг услуби бошқа хилдаги услублардан бир қатор афзалликларга эга экани билан ажралиб туради.

Амалий фаолият натижаларини кузатиш ва таҳлил қилиш шундан далолат берадики, ташкилот ихтиёрида бўлган ресурслар деярли ҳамма вақт чекланган бўлади. Шу сабабли аксарият ҳолларда ташкилот ихтиёрида мавжуд бўлган асбоб-ускуналар, тажрибали лойиҳачилар, материаллар ва ҳар қандай ташкилот учун энг муҳими, камёб саналадиган иқтисодий (шу жумладан, инновацион) жараёнларни самарали бошқариш салоҳиятига эга бўлган кадрлар каби турли хилдаги ресурслар талаб қилинадиган ҳар хил лойиҳалар ўртасида кескин рақобатчилик кураши кечади. Ушбу шарт-шароитларда ташкилотнинг менежмент тизими (айниқса, тизимнинг энг юқори бўғини) ишлаб чиқилган турли хилдаги инновацион лойиҳалар орасидан энг афзалини, яъни иқтисодий жиҳатдан самарадорлиги нисбатан юқори деб топиладиган лойиҳани тўғри танлай билиши жуда муҳим бўлиб қолади.

Республика минтакаларида 3G/EV-DO технологияларини жорий этилиши билан UZMOBILE CDMA-450 тармоғини ривожлантириш ишларидан бошланди. “Телекоммуникация тармоклари ва иншоотларни модернизация қилиш вараивожлантириш” инвестиция лойихасига мувофик филиал томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб 3G/EV-Do юқори сифатли интернетни жорий этиш ишлари амалга оширила бошланди. Маълумотларни 3,1 Мб/с. тезликда узатиш имконини берувчи 3G/EV-DO технологиясини жорий этиш билан тармокни кенгайтириш лойихаси амалга оширилди. 2 671 та умумий таълим муассасалари ва 6875 та кишлоқ аҳоли пунктлари телефонлаштирилди.

Лойиҳаларни баҳолаш учун ишлатиладиган биронта ҳам формаллаштирилган услуб моҳият негизига кўра потенциал жиҳатдан ёхуд истиқболда умид қилса бўладиган самарадорлик даражасининг математик ифодаси бўлолмайди, улар айна шарт-шароитларда фақатгина мавжуд турли хил услублардан энг оптималини танлаб олиш имкониятларини яратиб беради холос.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтиш керакки, “Ўзтелеком” АҚда инновация фаолиятни самарали ташкил этиш йўллари талаб даражасида олиб борилиши билан бирга, инновацион лойиҳаларни амалга оширишнинг муҳим босқичлари кўриб ўтилган.

Жаҳон иқтисодиёти тизимида юзага келган вазият ва ундаги мамлакатимиз мавқеини ҳисобга олган ҳолдаривожланган мамлакатларнинг йирик компаниялари тажрибасини ҳамда уларнинг ютуқларини мамлакатимиз иқтисоди шароитларида қўллаш учун холис кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Инновациялар компанияларнинг келажақдаги ривожини белгилаб бериши ҳамда ишлаб чиқариш, маркетинг, фирмани бошқаришданча сезиларли ўзгаришларни кўзда тутишини ишонч билан таъкидлаш мумкин. Компаниялар инновациялардан энг кенг маънода ҳам янги технологиялардан, ҳам ишлашнинг янги усулларида фойдаланган ҳолда, рақобатбардошликка эришишнинг янги усулларида ўзлаштирган ёки эски усулларида фойдаланган тарзда рақобатли курашнинг энг яхши усулларида топган ҳолда фойдаланмоқда.

Инновациялар бошқарувнинг янги технологияларида, маҳсулотнинг янги шаклида, ишлаб чиқаришнинг янги жараёнида, маркетингга янги ёндашувда ёки ходимлар малакасини оширишнинг янги усулларида намоён бўлиши мумкин. Аксарият ҳолларда улар кўпинча ягона, йирик технологик ёриб ўтишга эмас, балки арзимаган яхшиланишлар ва ютуқларни жамлашга асосланган содда ва кескин бўлмаган ҳодисалардир.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтмоқчимизки, лойиҳаларни баҳолаш учун ишлатиладиган биронта ҳам формаллаштирилган услуб моҳият негизига кўра потенциал жиҳатдан ёхуд истиқболда умид қилса бўладиган

самарадорлик даражасининг математик ифодаси бўлолмайди, уларайни шарт-шароитларда фақатгина мавжуд турли хил услублардан энг оптималини танлаб олиш имкониятларини яратиб беради холос.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтмоқчимизки, лойиҳаларни баҳолаш учун ишлатиладиган биронта ҳам формаллаштирилган услуб моҳият негизига кўра потенциал жиҳатдан ёхуд истиқболда умид қилса бўладиган самарадорлик даражасининг математик ифодаси бўлолмайди, улар айна шарт-шароитларда фақатгина мавжуд турли хил услублардан энг оптималини танлаб олиш имкониятларини яратиб беради холос. Умуман олганда, ҳар бир компания лойиҳаларни баҳолашнинг ўзига мақбул бўлган шакл ва мезонларини танлаб олиши мумкин. Бизнинг назаримизда, лойиҳаларни баҳолашнинг рейтинг услуби бошқа хилдаги услублардан бир қатор афзалликларга эга экани билан ажралиб туради.

Амалий фаолият натижаларини кузатиш ва таҳлил қилиш шундан далолат берадики, ташкилот ихтиёрида бўлган ресурслар деярли ҳамма вақт чекланган бўлади. Шу сабабли аксарият ҳолларда ташкилот ихтиёрида мавжуд бўлган асбоб-ускуналар, тажрибали лойиҳачилар, материаллар ва ҳар қандай ташкилот учун энг муҳими, камёб саналадиган иқтисодий (шу жумладан, инновацион) жараёнларни самарали бошқариш салоҳиятига эга бўлган кадрлар каби турли хилдаги ресурслар талаб қилинадиган ҳар хил лойиҳалар ўртасида кескин рақобатчилик кураши кечади. Ушбу шарт-шароитларда ташкилотнинг менежмент тизими (айниқса, тизимнинг энг юқори бўғини) ишлаб чиқилган турли хилдаги инновацион лойиҳалар орасидан энг афзалини, яъни иқтисодий жиҳатдан самарадорлиги нисбатан юқори деб топиладиган лойиҳани тўғри танлай билиши жуда муҳим бўлиб қолади.

Лойиҳаларни баҳолаш учун ишлатиладиган биронта ҳам формаллаштирилган услуб моҳият негизига кўра потенциал жиҳатдан ёхуд

истикболда умид қилса бўладиган самарадорлик даражасининг математик ифодаси бўлолмайди, улар айна шарт-шароитларда фақатгина мавжуд турли хил услублардан энг оптималини танлаб олиш имкониятларини яратиб беради холос.

Умуман олганда, ҳар бир компания лойиҳаларни баҳолашнинг ўзига мақбул бўлган шакл ва мезонларини танлаб олиши мумкин. Бизнинг назаримизда, лойиҳаларни баҳолашнинг рейтинг услуби бошқа хилдаги услублардан бир қатор афзалликларга эга экани билан ажралиб туради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2014й

II. Ўзбекистон Республикаси Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.

1. Ўзбекистон Республикасининг “Алоқа тўғрисида”ги Қонуни. 1992 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Қонуни. 1997 йил.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 1998 йил
4. Ўзбекистон Республикасининг “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги Қонуни. 1999 йил.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон хужжат айланиши тўғрисида”ги Қонуни. 2002 йил.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуни. 2003 йил.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги Қонуни. 2004 йил.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 31 мартдаги 165-сонли “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш варақобат тўғрисида”ги Қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 28 январдаги 48-сонли “Таълим хизматларини кўрсатиш бозорини шакллантиришни ва кадрлар тайёрлаш соҳасида маркетингни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 27 ноябрдаги 458-сонли “Телекоммуникациялар ва почтаалоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 23 майдаги 230-сонли “2001-2005 йилларда компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш, “Интернет” ахборот тизимларига кенг кириб боришни таъминлаш дастурини ишлаб чиқишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 6 июндаги 200-сон “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги ПФ-916-сонли “Инновацион лойиҳаларни ва технологияларни ишлаб чиқаришга

татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги. Фармони.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.:Ўзбекистон, 1995.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.:Ўзбекистон, 1997.
3. Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир.– Т.Ўзбекистон, 2008.
4. Каримов И.А. “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли демократик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир” ҳамда “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва ҳалқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” номли маърузаларини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. -2010.
5. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза, “Халқ сўзи”, 2010 йил 13 ноябрь (№220).
6. Каримов И.А. Барчарежа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Халқ сўзи, 2011 йил 21 январь.

IV. Асосий адабиётлар

7. Афонин И.В. Инновационный менеджмент. – М.: Гардарики, 2005.
8. Абрютина М.С. Экономика предприятия. – М.: «Дело и сервис», 2004.
9. Абулқосимов Ҳ.П., Раҳимова Д. ва бошқалар. Ижтимоий-иқтисодий жараёнларни бошқариш. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт матба ижодий уйи, 2007.
10. Бусыгин А.В. Эффективный менеджмент. – М: Финпресс, 2004.
11. Виханский О.С., Науров А.И. Менеджмент. – М.: Экономика, 2004.
12. Веснин В.Р. Основы менеджмента. – М.: Элит, 2004.
13. Воронина Э.М. Менеджмент предприятия и организации. – М.: МГУ, 2004.
14. Герчикова И.Н. Менеджмент. – М.: Питер, 2007.
15. Гурков И.Б. Стратегический менеджмент организации. – М.: ТЕНС, 2004.
16. Герасименко В.В. Основы менеджмента. – М.: ТЕНС, 2004.
17. Джумаев З.А. Муниципальная экономика. – Т.: Евразия, 2003.
18. Дафт Р. Менеджмент. – М.: Питер, 2004
19. Егерев И.А. Стоимость бизнеса: Искусство управления. – М.: Дело, 2003.
20. Зайнутдинов Ш., Шермухамедова А. Риск менежмента.–Т.: “Иқтисод-молия”, 2007.

21. Куторжевский Г.А. Экономика. Основы теории. – М.: Экономика, 2004.
22. Комиссаров Т.А. Управление человеческими ресурсами. – М.: Дело, 2002.
23. Котер Ф. Маркетинг менеджмент. – М.: Питер, 2005.
24. Менеджмент организации. Под ред. Румяницевой И. – М.: ИНФРА 2008.
25. Мескон М.и др. Основы менеджмента. – М.: Дело, 2007.

V.Қўшимча адабиётлар

26. Медведев В.П. Основы менеджмента. – М.: ДЕКА, 2009.
27. Мазур И.И., Шагино В.Д. Управление качеством. – М.: Омега – Л, 2009.
28. Максимова В.Ф. Инвестирование. – М. МГУ, 2009.
29. Масленченков Ю.С., Тронин Ю.Н. Стратегический и кризисный менеджмент. – М.: «Дашков и К», 2005.
30. Мухамедяров А.М. Инновационный менеджмент. – М.: Инфра-М, 2008.
31. Мескон М.Х. и др. Основы менеджмента. /Перевод с англ./ – М.: Дело, 2010.
32. Моррелл Д. Как делать прогноз в бизнесе. /Перевод с англ./ – М.: Норма, 2008.
33. Олдкори Р. Основы менеджмента./ Перевод с англ./ – М.: Финпресс, 2008.
34. Ольве Н.Г., Рой Джон и др. Оценка эффективности деятельности компании. – М.: Вилеямс, 2008.
35. Общеэкономические основы рыночного хозяйствования. – М.: Путь России, 2002
36. Питер Чегертон. Теория и практика современного маркетинга. – М.: ФАИР-ПРЕСС, 2002.
37. Панфилова А.П. Основы менеджмента. – М.: Питер, 2004.
38. Поцхверня А.Б. Государственная инновационная политика Японии / Сб. трудов «Инновационная политика развивающихся капиталистических стран». Вып. №3. М.: ВНИИСИ, 1990. С. 35.
39. Роик В.Д. Профессиональный риск: оценка и управление – М.: Анкил, 2004.
40. Рахимова Д., Абдурахмонов Қ. ва бошқалар. Замонавий менежмент: назария ва амалиёт. Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи. - 2009.
41. Фатхутдинов Р.А. Инновационный менеджмент. 6-издание. М.: Питер, 2009.
42. Царев В.В. Оценка экономической эффективности инвестиции. – М.: Питер, 2004.
43. Кадыров А.М., Шакирова К., Инновационный потенциал повышение конкурентоспособности национальной экономике. // Сбор. трудов. Мировой финансово-экономический кризис: национальные интересы и инновационная политика, том 2, 2009 г.
44. Kadirov A.M., Nuriddinov A.G. Information technologies in improvement of system relations with clients.//The opportunities for Application of Information and Modern Technologies for Development of education and Economic

- Growth. T.: 2003, pp. 161-163 (TSTY Korean Association of Logos Management Ustoz Republican Foundation).
45. Махмудов М.М. Роль отрасли связи и информатизации. Ж. “Экономический вестник Узбекистана”, №6.2003 г. стр. 17-20.
 46. Нарзакулова М.П. Миллий иқтисодийнинг инновацион ривожланиш омиллари//“Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: миллий манфаатлар ва инновацион сиёсат” Республика илмий-амалий конференция материаллари – Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси, 2009 й. 2 жилд.
 47. Турсунов Ш.А. Особенности формирования инвестиционной привлекательности предприятий телекоммуникации в условиях либерализации экономики // Ўзбекистон алоқа ва ахборот технологияларини ривожлантиришнинг ҳолати ва истикболлари. Халқаро илмий-техника анжумани тўплами. – Тошкент, 2005. – Б.200-201.
 48. Турсунов Ш.А. Активизация инвестиционной деятельности как важный фактор экономического роста // Актуальные проблемы экономического развития в современных условиях. Двадцатые международные Плехановские чтения. – Москва, 2007. – С. 312-313.
 49. Турсунов Ш.А. Роль телекоммуникационной сферы в развитии экономики Узбекистана // Воспроизводственный потенциал региона. Материалы III международной научно-практической конференции. – Уфа: РИЦ БашГУ, 2007. – С. 215-218.
 50. Турсунов Ш.А. Ўзбекистонда ахборот технологияларининг ривожланиши ва унинг инновацион хусусияти // Фуқаролик жамиятини шакллантиришда давлат ахборот-коммуникатив функциясини такомиллаштириш муаммолари. Республика илмий-амалий анжумани. – Тошкент, 2011. – Б. 165-168.
 51. Бобомуродов Х.М., Парпиева М.М. Инновация фаолиятини ташкил этиш. Ахборот ва Телекоммуникация Технологиялари муаммолари илмий-техник конференциясининг маърузалар тўплами 4-қисми 457-б. ТАТУ. 2015й. 12-13 март.
 52. Турсунов Ш.А. Парпиева М.М. Алоқа корхоналарида янги хизмат турларини жорий этиш асосида инновацион фаолиятни ривожлантириш истикболлари. Глобаллашув шароитида Ўзбекистон Республикасида Ахборотлашган жамиятни шакллантириш муаммолари (Илмий –услубий семинар материаллари) ТАТУ. 2015й. 228 –б.
 53. Исмоилова Г.Ф. Парпиева М.М. Бизнес бошқариш асослари фанини ўқитишда “Кейс-стадилар таёрлаш” тажрибасидан фойдаланиш. Алоқа ва Ахборотлаштириш соҳаси учун кадрилар таёрлаш сифатини ошириш муаммолари. ТАТУ профессор ўқитувчиларининг илмий услубий конференцияси. Маърузалар тўплами. 2016й. 210- б.
 54. Исмоилова Г.Ф. Парпиева М.М. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда ахборот технологияларининг ўрни. Ахборот ва телекоммуникация технологиялари муаммолари. ТАТУ. Республика

илмий-техник конференциясининг маърузалар тўплами 2-қисм.
2016й.410-б.

V.Статистик тўпламлар

1. Ўзбекистон алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг 2014-2015 йиллар учун молиявий ва статистик маълумотлари.

2. “Ўзбектелеком” АКнинг 2014-2015 йиллар учун молиявий ва статистик маълумотлари.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2014-2015 йиллар учун статистик маълумотлари.

VI.Интернет веб сайтлари

55. www.stat.uz

56. www.gov.uz

57. www.lex.uz

58. www.pravo.uz

59. www.tut.uz

60. www.manajement.com.ua

61. www.new-manajment.ru